

“Камбағал оилалар портрети” ишлаб чиқилди

2-с.

“Бизнесга биринчи қадам” тадбиркорга таянч бўляпти

Фаолиятини кенгайтирмоқчи бўлган тадбиркор ер олишда қийналяпти. Натижада бизнес режа амалга ошмай қолмоқда.



3-с.

ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

Mahalla

2024 ЙИЛ
28 СЕНТЯБРЬ,
ШАНБА

№58
(2196)

WWW.UZMAHALLA.UZ

ТАШАББУС

Уюшма кубоги ёшларни бир жойга жамлади



“Беш ташаббус олимпиадаси” мусобақалари доирасида гандбол бўйича “Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси кубоги”нинг туман (шаҳар) босқичлари ҳал қилувчи паллага кирди. 30 сентябрь куни барча ҳудудларда турнирнинг маҳаллий босқичи якунланади.

Мусобақанинг **Музработ тумани** босқичида 37 та маҳалланинг 400 нафарга яқин ёшлари ўзаро куч синашди. Якунда “Меҳригиёҳ” маҳалласи жамоаси биринчи ўринни эгаллаб, вилоят босқичига йўлланмани қўлга киритди.

Худди шундай, **Когон туман**ида ташкил этилган турнирда ҳудуддаги барча маҳалла вакиллари ғолиблик учун баҳс юритди. Якуний натижаларга кўра, “Ниёз ҳожи” маҳалласи йигитлари кейинги босқичга йўл олди.

Турнирнинг **Бешариқ тумани** босқичи ҳам қизғин ва муросасиз баҳсларга бой ўтди. 17-30 ёшдаги йигитлар ўртасида ўтказилган мусобақа якунига кўра, “Бахмал” маҳалласи жамоаси тенгсиз деб топилди.

Эслатиб ўтамиз, турнирнинг вилоят босқичи октябрь ойи давомида ўтказилади.

ЖАРАЁН

Камбағалликни қисқартириш маҳалладан бошланади

Давлатимиз раҳбари раислигида жорий йил 11 сентябрь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида камбағалликни қисқартириш умуммиллий ҳаракатга айланиши таъкидланиб, мутасаддилар олдига аниқ вазифалар қўйилди. Барча саъй-ҳаракатлар маҳалла даражасида ташкил этилиши белгиланди. Бугунги кунда шу тамойиллардан келиб чиқиб, маҳалла раислари аҳолига мурожаат йўлламоқда.



Энг асосийси, бу ишга масъул бўлган барча ташкилот мутасаддилари бугун маҳаллада.

Камбағалликни қисқартириш… Бундан ўн йиллар аввал бу жумла ўзбек тили этимологияси учун бегона эди. Мамлакат етакчиси бошчилигида бу амалиёт бугун барча бўғиннинг кундалик ишига айланиб улгурди.

Маҳалладаги камбағал инсонни маҳалла раиси жуда яхши билади. Унинг қизиқишлари, эртанги кунга умидидан хабардор. Демак, маҳалла раиси камбағалликни қисқартиришда барчадан кўра кўпроқ бурчлидир. Ана шу масъулиятни теран англаш, ўзини халқ хизматига бағишлаш учун раис маҳалладаги аҳолига мурожаат қилиши, кўпроқ мулоқот қилиши лозим.

Пойтахтимизнинг “Учтепа”, “Хирмонтепа” маҳаллалари раисларининг аҳоли билан учрашуви бу гал бироз бошқача бўлди. Ҳамма йиғилди, оддий, самимий суҳбатлар, маҳалла раислари одамларга мурожаат қилиб, барчани умуммиллий ҳаракатга қўшилишга чорлади.

Давоми 2-саҳифада.

МАНЗАРА

Болалар нафақаси бизга керакми?..

Ижтимоий ҳимоя тизими бўйича айрим таклифларим бор эди. Биринчи навбатда, болалар нафақасидан воз кечишимиз керак. Кўпчилик шу ёрдамни оламан деб сунъий равишда ўзини банд қилиб кўрсатмоқда. Айримлар шу пулга кўз тикиб, ишламайди. Халқни меҳнат қилишга ундаш керак. Ҳамма баробар ҳаракат қилса, жамиятда ривожланиш бўлади.



Давоми 7-саҳифада.

КЎЗГУ

Ҳеч бир тўй маҳалла иштирокисиз ўтмайди

Маросимлар анча тартибга келтирилган, дабдабанинг олди олинаяпти. Бу борада маҳалла дастурхончиси — аёл бошисининг ўрни катта. У тўйининг бошидан-охиригача бош бўлиб, ортиқча сарф-харажат қилинмаслигини назорат қилади. Унинг ёрдами билан тўйларимиз тинч-осуда, камхарж ўтяпти. Бундан 5-6 йил бурун келин томон мебель қилиб, сеп йиғарди.



Давоми 8-саҳифада.

БУГУНГИ СОНДА:

Етакчи тавсияси билан жазо енгиллаштирилса…

Ёшлар иттифоқида ишлаган пайтимда биринчи марта ёки тасодифий инсон омили билан жиноят қилган вояга етмаганларга ёшлар етакчисининг тавсияси билан жиноят турига қараб жазо енгиллаштириларди. Таклифим шундан иборатки, суд жазо тайинлашда оғир бўлмаган ҳолатларда болани ёшлар етакчисининг ёки маҳалланинг назоратида қолдирса…

4-с.

Лақмаликми, очкўзликми?

Ҳар қандай шахс билан бирор бир тасдиқловчи ҳужжатсиз, гувоҳларсиз, кафолатланмаган олди-бердиларни амалга ошириш нотўғри ҳаракатдир. Бу ҳақда қанчалик бонг урмайлик, ишонувчан, соддадил инсонлар фирибгарларнинг осон “ўлжаси”га айланиб қолишмоқда. Шу ўринда, арзон мол олиб, қимматроқ сотиб бойиш умидида озидан ҳам айрилиб қолаётганлар қилаётган ишларини тарозига солиб кўрсалар яхши бўларди.

6-с.

Аёл меҳрга муносиб, тазйиққа эмас!

Агар оилада бир аёл яқинлари, айниқса, турмуш ўртоғи томонидан жабрланса, зўравонликка учраса, албатта, унинг фарзандлари ҳам азият чекади. Руҳан синиб, тушкунликка тушади. Қарабсизки, эртанги жамият учун соғлом эмас, балки ҳар жиҳатдан “жароҳат олган” фуқаролар етишиб чиқади.

7-с.

“Пакет” лойиҳаси оилаларга нима беради?

Битта хонадонда иссиқхона қурилади. Иссиқхонадан даромад олгунча, паррандачиликни кўпайтириб, товуқ боқилса, иссиқхонадан даромад келгунча, бу йўналишда фойда кўрилади. Иссиқхона тайёр бўлгач, ундан келган фойда паррандачилик билан қўшилади. Ҳозир битта хонадон икки-уч хил даромадни оиласига киритса бўлади. “Пакет” йўналишини маҳаллаларга олиб киришни таклиф қиламан.

8-с.


Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг!

@mahalla_raislari

@mahalladosh_1

@mahalladosh

Газетанинг телеграмдаги «uzmahallabot»ига ўтиш учун QR-кодни сканерланг!



Президент ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ БАА Бош вазири ўринбосари, мудофаа вазири, Дубай Амирлиги валиаҳди Шайх Ҳамдан бин Муҳаммад Ол Мактум билан учрашди.



Давлатимиз раҳбари қурилиш, таълим, туризм ва саноат соҳаларидаги ЛОЙИҲАЛАР ТАҚДИМОТИ билан танишди.



Шавкат Мирзиёев Хитой Коммунистик партияси Марказий қўмитаси Сиёсий бюроси аъзоси Чэнь Вэньцинни ҚАБУЛ ҚИЛДИ.

ИЖРО

“Камбағал оилалар портрети” ишлаб чиқилди

“Маҳалла етти лиги” фаолиятининг йўлга қўйилиши муаммоларни қўйи тизимда ҳал этиш имконини бермоқда. Яна бир муҳим жиҳат — ислоҳотлар натижасида ходимлар учун шароитлар яхшиланаётгани самарадорликка ижобий таъсир этмоқда. Мисол учун, якшанба маҳалламиз ўз биносига эга бўлмагани учун турли ташкилотларда ижара асосида фаолият юритиб келдик. Жорий йил янги бинога кўчиб ўтдик.

Файзулла БОЙСАРИЕВ, Денов туманидаги “Ўзбекистон” маҳалласи раиси.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 11 сентябрь куни камбағалликни қисқартириш ишларини кейинги сифат босқичига олиб чиқиш масалалари муҳокамаси бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида зиммамизга янада катта масъулият юкланди. Ҳар бир маҳаллада “камбағал оилалар портрети”ни ишлаб чиқиб, оила бўйича индивидуал дастур яратиш вазифаси қўйилди.

Ана шу топшириқ асосида хонадонма-хонадон дастлабки хатлов якунланди. Жараёнда 20 та хонадон камбағал оила, деб топилди. Улар билан тизимли ишлаш мақсадида ташкилотларга бириктирилди. Маҳалламизга бириктирилган Ўзбекистон маҳалалари уюшмаси Денов тумани бўлими билан ҳамкорликда 20 та хонадонни камбағалликдан чиқариш бўйича амалий ҳаракат бошланди.

Ўрганишлар давомида Маҳмуд Алланазаров 2-гуруҳ ногирони экани, фарзанди тиббиёт колледжида шартнома асосида ўқиётгани аниқланди. Барча жиҳатлар ҳисобга олиниб, фарзандининг шартнома пули тўлаб бериладиган бўлди. Ўзига “Саховат ва кўмак” жамғармасидан моддий ёрдам ажратилиб, камбағал оилалар рўйхатига киритилди.

Яна бир оила вакили Тошбиби Каримова ҳамда унинг ўғли 1-гуруҳ ногирони. Турмуш ўртоғи нафақада. Бу хонадон билан маҳалладаги ижтимоий ходим мунтазам иш олиб бориши, зарур кўмак кўрсатиши белгиланди.



***

Баҳром БОЙҚОБИЛОВ, Денов туманидаги “Лупон” маҳалласи раиси.

Маҳаллада 288 та хонадон бўлиб, 4 539 нафар аҳоли истиқомат қилади. Видеоселектор йиғилишидаги вазифалар ижроси доирасида “Камбағал оилалар портрети”ни ишлаб чиқишга киришдик.

Ўрганиш жараёнида Олмахон Соатова ва унинг турмуш ўртоғи ишсиз экани аниқланди. Суҳбат давомида соғлигидаги муаммо сабаб ишлай олмаслигини, аммо ёшлигидан тикувчиликка қизиқишини билдирди. Агар тикув машинаси олиб берилса, мазкур ҳунар ортидан ўзини ўзи банд қилишини таъкидлади. Унга тикув машинаси ажратиш белгилаб олинди.

Зулайҳо Холмуродовани маҳалла хотин-қизлар фаоли “Аёллар дафтари”га киритган. Икки нафар қизи ҳам 2-гуруҳ ногирони бўлгани учун “Аёллар дафтари”га рўйхатга олинди. Оилани камбағалликдан чиқариш мақсадида тикув машинаси бериш режага киритилди.

ЖАРАЁН

Камбағалликни қисқартириш маҳалладан бошланади

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Элликқалъа туманидаги Қирққизобод овул фуқаролар йиғинида ташкил этилган тадбирда маҳалла кенгаши, жамоатчилик тузилмалари, жамоатчилик комиссиялар аъзолари, кўчабоши (уйбошилар), фаол нуронийлар, кексалар, хожи ота-оналар, тадбиркорлар, ишсизлар, камбағал оилалар аъзоларидан иборат 150 нафар киши иштирок этди.

Мурожаатда келгуси режалар муҳокама қилиниб, ишсизлар бандлигини таъминлаш, касб-ҳунарга ўргатиш, тадбиркорликни ривожлантириш, миграциянинг олдини олиш борасида ўрнак бўлаётган маҳалладошлар тажрибаси намуна қилиб кўрсатилди.

Бухоро шаҳридаги Боҳоуддин Нақшбанд номидаги маҳалла раиси ўз мурожаатида дастлаб ҳудудда амалга оширилган ишлар ҳақида ахборот берди. Камбағалликни қисқартириш бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар билан таништириб, бу жараёнда маҳалла аҳолисининг иштироки муҳимлигини таъкидлади.

Йиғилишда аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, ёрдамга муҳтожларни қўллаш, янги иш ўринларини яратиш, миграциядаги фуқароларни юртга қайтариш, эрта турмуш ва оилавий ажралишларнинг олдини олиш, маҳалла ободлиги йўлида ташкил этилаётган ҳашарларда фаол иштирок этиш зарурлиги қайд этилди.



“Ёшлик” маҳалласи раисининг аҳолига мурожаатида “Камбағалликдан фаровонлик сари”, “Менинг маҳаллам, менинг кўчам ишсизлик, камбағалликдан холи маҳалла, кўча!”, “Менинг маҳалламда бирорта ишсиз фуқаро қолмайди!”, “Мен маҳалламга бефарқ эмасман!” каби эзгу ниятларни амалий ҳаракатга айлантиришга келишиб олинди.

“Деҳқонобод” маҳалла фуқаролар йиғини раиси ўз мурожаатида 4 000 нафарга яқин аҳоли истиқомат қилаётган маҳалла оилавий ажралишлардан, жиноятчиликдан холи ҳудудга айланганини таъкидлади.

Ўзбекистон туманидаги “Деҳқонобод” маҳалла фуқаролар йиғини раиси мурожаатида дастлаб аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасида амалга оширилган ишларни санаб ўтди. Жумладан, 4 000 нафарга яқин фуқаро истиқомат қилаётган маҳалла оилавий ажралишлардан, жиноятчиликдан холи ҳудудга айланган. Ҳунармандчилик — ўсиш нуқтаси бўлгани учун 300 нафар ҳунармандниг ҳар бири камида 5 нафар ишсизни банд қилган.

Келгусида бу ишларни давом эттириш зарурлиги, камбағалликни қисқартиришда тадбиркорликни ривожлантириш, Сайҳунобод, Уйчи туманлари тажрибалари асосида томорқадан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш бўйича вазифалар белгилаб олинди.

ФИКР

ИШСИЗЛАР РЎЙХАТИДА КЎПРОҚ АЁЛЛАР...

Маҳалла раиси сифатида иш олиб бораётганимга 3 йил бўлди. Шу давр мобайнида аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, инфратузилма билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш бўйича яхши натижаларга эришдик. “Ташаббусли бюджет” лойиҳасида таклифимиз ғолиб чиқиб, 8 км. масофадаги ички кўча асфальтланди. Достон кўчасига 3,5 км. узунликда 255 та замонавий таянч устун ўрнатилди. Электр таъминотидаги узилишларнинг олдини олиш мақсадида 3 та трансформатор янгисига алмаштирилди.

Ҳабибулло ҚОДИРОВ, Косонсой туманидаги “Учқўрғон” маҳалласи раиси.

Шу кунгача ҳудудга ичимлик сув келмагани аҳолининг энг оғриқли муаммоси эди. Жорий йил масала ҳал бўлди. Махсус қарор асосида Наманган вилоятидаги 15 та маҳалла қаторига қирдик. Бу билан 662 та хонадонда истиқомат қилувчи 4 550 нафар аҳоли масофа босиб, ичимлик сув ташиш машаққатидан қутилди. Режага кўра, 5 150 метр масофага тармоқ тортилиб, сув иншооти ва сув минораси қурилди.

Фарзандларимизнинг сифатли таълим-тарбия олиши учун жорий йил 330 ўринли мактаб ва 180 ўринли мактабгача таълим ташкилоти қуриш ишлари бошланди. Энди ўғил-қизлар 4 км. узоқликдаги қўшни “Замондош” маҳалласида жойлашган 20-мактабга қатнаб ўқимайди.

Маҳалламиз нафақат туманда, балки вилоятда оилавий ажралишлар, жиноятчиликдан холи ҳудуд сифатида намуна бўлиб келмоқда. Икки йилдан бери бирорта оилавий ажралишлар ёки жиноят содир этилмади.

Йил бошида 8 та эҳтиёжманд оила рўйхатга олинганди. Бугунгача барчаси даромадли хонадонга айланди. Айни кунда камбағалликни қисқартириш йўналишида иш олиб боряпмиз. Қайта хатловда 5 та камбағал хонадон аниқланди. Дастлабки амалий ёрдамни кўрсата бошладик. Назира Отабоевага ҳашар йўли билан 2 хонали уй қуриб бердик.

Ишсиз аҳоли рўйхатида, асосан, аёллар жой олган. Бир қисми бола парваришида бўлса, қолганининг ҳунари бору, муносиб иш йўқ. Шунинг учун ҳудудда тикувчиликка ихтисослашган корхона ташкил этилса, хотин-қизлар бандлиги таъминланади.

Ёшлар фикрини ўрганганимизда, спорт майдони қуриб беришни сўрашмоқда. Ер ажратилса, тадбиркорлар давлат-хусусий шериклик асосида замонавий спорт ўйингоҳи бунёд этиш таклифи билан чиқишган.

ТАКЛИФ

Ички йўллар таъмирланса, имконият кўпроқ бўларди...

“Маҳалла етти лиги” фаолияти самарали бўлишида раисининг етакчилиги, ҳаракатчанлиги, ташаббускорлиги муҳим. Унда дахлдорлик ҳисси бўлсагина, халқ билан давлат ўртасида кўприк бўлиб, одамларнинг қувонч ва ташвишлари, муаммоларига ечим топади. Маҳалладошлар унга ишониб, дарду таклифини айтади, ташаббусини қўллаб-қувватлайди.

Рўзибай НУРШОДОВ, Чиноз туманидаги “Бирлик” маҳалласи раиси.

Фаолиятимни мана шу мезон асосида ташкил этишга интилиб келяпман. Биринчи навбатда аҳоли мурожаатларини ижобий ҳал этишга ҳаракат қиляпман.

Камбағалликни қисқартириш ҳақида гап борса, кўп ҳамкасблар мендан маслаҳат олади. Сабаби бугунги кунда ҳудудда бирорта бўш юрган инсонни топа олмайсиз. Қайсики, маҳаллада ишсизлик юқори бўлса, билингки, ўша ерда боқиманда кайфиятдаги одамлар кўп. Чунки иши, даромади бор инсон бировдан моддий кўмакка эҳтиёж сезмайди.



Агар ички йўлларимиз таъмирланса, янада қулайликка эга бўлардик. 5 та кўчамизнинг 6,5 км. қисмида ички йўллар таъмирталаб.

Бу борада “драйвер”имиз — иссиқхоначиликни ихтисослаштириш тажрибасини йўлга қўйганмиз. Ҳудудда камбағалликни қисқартириш ва бандликни таъминлашда ўсиш нуқтамиздан самарали фойдаланяпмиз.

Президентнинг “Аҳоли хонадонларида саноат усулида маҳсулот ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш ҳамда томорқа ва деҳқон хўжаликларида янги захираларни ишга солишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида 616 та хонадоннинг 556 тасида 44,5 гектар томорқа ер майдонида енгил конструкцияли иссиқхоналар қурилган. Улардан йилига 3 мартагача ҳосил олинади. Асосан бодринг, помидор, булғор қалампир ва кўкат етиштириш оммалашган. Бу ерда бир йиллик ҳосилдорлик ўртача 55 минг 695 тоннани ташкил этади. Нуриддин Ҳолиқулов 25 сотих ер майдонидан йилига 1 миллиард 200 миллион сўм даромад топади. Маҳалланинг 30 нафардан ортиқ фуқаросини иш билан таъминлаган.

Насибахон Турсунова ҳовлисидаги 10 сотих майдонда иссиқхона ташкил этиб, биринчи мавсумда бодринг, иккинчи мавсумда помидор етиштириб, 140 миллион сўм даромад кўрди.

Иссиқхонанинг 20 сотих қисмида бақлажон, помидор, бодринг ва булғор қалампири кўчатлари тайёрланади. Беш сотихда гулчилик билан шуғулланади. Гуллар, асосан, Голландия, Корея, Исроил давлатларидан келтирилган. Сабзавот кўчатларини сентябрь ойида парваришлаш бошланади. Мавсумда уч мартагача даромад олинади.

Маҳалла инфратузилмасининг яхшиланиб бораётгани аҳоли турмуш шароитида қулайликлар яратмоқда. Ичимлик сув, табиий газ таъминотида муаммо йўқ. Маҳалла ходимлари учун замонавий бино қуриб берилди. Агар ички йўллар таъмирланса, янада қулайликка эга бўлардик. 5 та кўчамизнинг 6,5 км. қисмида ички йўллар таъмирталаб. Бундан ташқари, 240 та эски симёғоч замонавий бетон устунга алмаштирилиши, 14 км. узунликда тармоқ тортилиши лозим. Мутасаддилар бу иш йил якунигача бажарилишини таъкидлашмоқда. Ҳозирда дастлабки режалаштириш бошланди.



Президент Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРИни мукофотлади.



ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИ билан чанг бўронларига қарши курашиш бўйича миллий дастур тасдиқланди.



Хитой билан АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ соҳасида ҳамкорлик қилинади.

“Бизнесга биринчи қадам” тадбиркорга таянч бўляпти

ТАЖРИБА



Фото: ЎзА.

Йил бошидаги ҳатловда 146 нафар фуқаро ишсиз сифатида рўйхатга олинган. Шу маълумотларга таяниб, бандлик дастури ишлаб чиқдик. Талабгорларга “Бизнесга биринчи қадам”, “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури асосида кредит ажратдик. 26 нафар ишсиз хотин-қиз субсидия асосида тикув машинаси олиб, ўзини ўзи банд қилди. Маҳалла — ишсизликдан холи ҳудудга айланди.

Жамшид ТЎХТАЕВ,
Пахтакор туманидаги “Сувонобод” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Жорий йил меҳнат бозорига 51 нафар мактаб битирувчиси кириб келган бўлса, 29 нафари олий таълим муассасасига қабул қилинди. 12 нафари қайта тайёрлов курсига йўналтирилган бўлса, 8 нафарига “Бизнесга биринчи қадам” дастури асосида кредит берилди. 2 нафар қиз тикувчилик курсида ўқимоқда.

Акбарали Ҳайитов бизнесини кенгайтириш ҳисобига янги иш ўринлари яратаётган тадбиркор. У 33 миллион сўм имтиёзли кредит эвазига қўзиқоринчиликни йўлга қўйди. Уй шароитида, 80 квадрат метр жойга қўзиқорин экиб, бир йилда тўрт марта — 1 тоннагача ҳосил олмоқда. Ўтган йили 2 та хонадан 240 миллион сўм даромад топган. Жорий йил 2 марта ҳосилдан олинган фойда 180 миллион сўмни ташкил этди. Йил охиригача яна 2 марта қўзиқорин етиштириш имконияти бор.

Соҳа жуда сердаромад. Битта хонага 80 квадратли сўриларни жойлаштириш учун 33 миллион сўм маблағ сарф бўлади. Бу харажат ичига хонани қўзиқорин етиштириб олгунгача керак бўладиган жиҳозлаш ва экиш материаллари киради. Афзаллиги, кейинги экишда бир марта жиҳозланган хонанинг фақат экиш материаллари янгиланади. Бунинг учун атига 15 миллион сўм маблағ сарф бўлади. Ваҳоланки, битта хонадан 1 тонна ҳосил олинса, ўртача 50 миллион сўмлик маҳсулот сотилади. Юқоридаги 15 миллион сўм харажатни чиқариб ташласак, соф фойда 35 миллион сўм бўлади. Агар қишлоқ хўжалигидаги бошқа экинлар билан солиштирсак, 35 миллион сўм даромадни анча-мунча катта майдондан олинади. Қўзиқорин етиштириш жуда қисқа вақтда харажатни қоплайди. Шу боис тадбиркор фаолиятини янада кенгайтириб, йил охиригача иш ўринлари сонини 20 тага етказишни режа қилган.

Бу йўналиш маҳалла “драйвери”га айлантирилиб, Акбарали Ҳайитов туманда етакчи тадбиркор сифатида танлаб олинди. Талабгорларни ўқитиш учун ўқув маркази очдик. Туманда жами 50 дан ортиқ, маҳалла бўйича 5 та хонадонда қўзиқоринчилик йўлга қўйилди. Марказда экин турини экишдан тортиб, то ҳосил йиғиб олингунгача бўлган жараён ўргатилмоқда. Ҳаваскорлар қисқа фурсатда мустақил фаолият бошламоқда. Айниқса, эҳтиёжманд оилаларни камбағалликдан чиқариш, бандликни таъминлашда соҳа ихтисослашуви яхши натижа бермоқда.

“Аёллар дафтари”да рўйхатда турган Феруза Пирматова марказда таълим олиб, бугун ҳаётини ўзгартирди. У 40 квадрат майдонга экин экиб, дастлабки даромадга эга бўлди.

Қўзиқоринчиликда таъминотчилар пул ўтказиш йўли билан ишламагани учун имтиёзли кредитни нақд пулда берилмасди. Энди бу масала ҳал бўлди. Имтиёзли кредит нақд пул шаклда берилиши соҳани ривожлантиришга ҳисса қўшмоқда.

Ҳудудда шу каби касб-ҳунарга ўқитиш тизими кўплаб оилаларага моддий манфаатдорлик келтирмоқда.

“Бизнесга биринчи қадам” дастури асосида ажратилган 100 миллион сўм имтиёзли кредит уй бекаси Озода Бердиёровани ишбилармон, тадбиркорга айлантирди. У кунига 300 метр тўсиқли сим тўр ишлаб чиқармоқда. Ҳар бир қадоқ 10 метрни ташкил этади. Битта қадоқ 20 минг сўмдан сотилишини эътиборга олсак, умумий ҳисобда кунига соф фойда 600 минг сўм бўлмоқда. Тадбиркор келгусида фаолиятини кенгайтириб, яна 20 та иш ўрни яратмоқчи.

Сўзим сўнгида бир масалага тўхатлиб ўтмоқчиман. Буни танқид ёки нолиш эмас, балки таклиф сифатида билдиряпман. Фаолиятини кенгайтирмоқчи бўлган тадбиркор ер олишда қийналяпти. Натижада бизнес режа амалга ошмай қолмоқда. Мисол учун, Озода Бердиёрова қўшимча иш ўрни яратиш мақсадида 3 та дастгоҳ олиб келган. Лекин бино қуриш учун ер йўқ. Таклифим, мутахассислар маъқуллаган бизнес режа эгаларига ер майдони олишда устунлик берилиши керак.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

Исломжон МЎЙДИНОВ.
Фориш тумани:

— Ҳоким ёрдамчилари Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари бўйича қанча миқдорда ва қандай мақсадларда кредит учун тавсиянома беради? Маблағни нақд шаклда олса бўладими?

МАҲАЛЛА КЎМАГИДА ҚАНЧА КРЕДИТ ОЛИШ МУМКИН?



Акмал НАЗАРОВ,
Марказий банк департамент раҳбари:

— “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг даромад манбаини кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарорига кўра, ҳоким ёрдамчиси тавсияномаси асосида тадбиркорлик ташаббусига эга жисмоний шахсларга 33 миллион сўмгача ҳамда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган кичик тадбиркорлик субъектларига учинчи шахс кафиллиги, суғурта полислари, кредит ҳисобига сотиб олинаётган мол-мулк гарови ва бошқа таъминот турлари асосида 225 миллион сўмгача кредит берилади.

225 миллион сўмдан ортиқ миқдордаги кредит туман(шаҳар) ҳамда ҳудудий Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш марказларининг асослантирилган ва натижадорлиги аниқ ҳисоб-китоб қилинган ҳолдаги қарори асосида ажратилади.

Ўзини ўзи банд қиладиган фуқароларга айрим турдаги фаолиятни амалга ошириш (касаначилик, ҳунармандчилик, иссиқхона қуриш ва шу кабилар учун зарурий хомашё, эҳтиёт қисм ҳамда қурилиш молларини сотиб олиш) мақсадида 5 миллион сўмгача миқдорда кредит маблағи нақд пулда берилиши кўзда тутилган.

Вазирлар Маҳкамасининг “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларининг ягона электрон платформаси орқали кредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори билан тасдиқланган низомга мувофиқ, томорқасида бизнесни йўлга қўйиш учун ички имкониятлардан фойдаланган ҳолда тадбиркорлик қилиш истагини билдирган аҳолига иссиқхона қуриш, чорва моллари боқиш, томорқага мавсумий экин экиш учун банк ва ҳоким ёрдамчисининг кафиллиги асосида нақд пулда берилиши мумкин.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Элёр БОБОЕВ.
Учқудуқ тумани:

— Айни пайтда ишсиз бўлганим учун ўзимга маъқул меҳнат тури қидиряпман. Қонунчиликда иш излаётган фуқароларни рўйхатга олиш тартиби қандай бўлади? Бунинг учун кимга мурожаат қилишим керак?

ИШ ҚИДИРАЁТГАН ШАХСЛАР ҚАНДАЙ РЎЙХАТГА ОЛИНАДИ?

Аброрбек ЭЪЗОЗХОНОВ,
“Мадад” ННТ мутахассиси, ҳуқуқшунос:



— Иш қидираётган шахс сифатида рўйхатга олиш тартиби “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги қонун билан тартибга солинган.

Унга кўра, бу амалиётни қишлоқ жойларда — маҳаллий меҳнат органининг комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича сектор ҳудудига, иш қидираётган шахснинг яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига бириктирилган ходими бажаради. Агар иш қидираётган шахс маҳаллий меҳнат органи жойлашган аҳоли пункти ҳудудида яшаётган бўлса, бу ишни ишсиз шахсларни ҳисобга олиш, жойлаштириш ва ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш сектори ходими амалга оширади.

Талабгор маҳаллий меҳнат органи ходимига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

— паспорт ёки унинг ўрнини босувчи ва шахсини тасдиқловчи, меҳнат дафтарчаси ёки меҳнат стажини тасдиқловчи бошқа ҳужжат. Бундан биринчи марта иш қидираётган шахслар мустасно;

— маълумоти тўғрисидаги ҳужжатнинг аслини ёки унинг кўчирмасини, касби ёки касбий малакаси мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатни ёки унинг нусхаси;

— илгари ишлаган шахслар, шу жумладан, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахслардан иш жойидан охирги ўн икки ой учун иш ҳақи (меҳнат даромади, пул таъминоти) тўғрисидаги маълумотнома.

Зарур бўлганда, маҳаллий меҳнат органи ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган ҳужжатларга қўшимча равишда электрон ҳужжат айланишидан фойдаланган ҳолда сўровнома юбориши мумкин:

Тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларига — тавсия этилаётган меҳнатнинг хусусияти ва шароитлари тўғрисида хулоса олиш учун (ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан);

соғлиқни сақлаш муассасаларига — тиббий хулосалар ва бошқа тасдиқловчи ҳужжатларни олиш учун (соғлиғининг ҳолатига кўра меҳнат фаолиятида чекловлар мавжуд бўлган шахсларга нисбатан);

жазони ижро этиш муассасаларига — шахснинг жазони ижро этиш муассасасидан озод этилганлиги тўғрисида маълумотнома олиш учун (жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларга нисбатан);

фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларига — болаларининг туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаларнинг кўчирма нусхаларини олиш учун (қарамоғида болалари бўлган шахсларга нисбатан).

Зарур бўлганда, маҳаллий меҳнат органи мурожаат этган шахс ҳақиқатан фермер (деҳқон) хўжалиги аъзоси эканлиги тўғрисида Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашидан ахборот сўраб олиши кўзда тутилган.

ТОМОРҚА МАКТАБИ

Нўхатни қандай шароитда етиштириш самарали?

Нўхат ёруғликка талабчан, иссиқсевар ўсимликлар гуруҳига киради. Аммо уруғи +2-5 даража ҳароратда унib чиқа бошлайди. Жараён 20-30 кунга чўзилиб кетиши мумкин. Ҳаво ҳарорати +6-8 даража бўлганда бу муддат 10 кунни ташкил этиши кузатилади. Майсалари -8, -10 даража совуққа бардошли.

Гуллаш ва дуккакланиш даврида иссиқликка талабчан. Ўзбекистонда қишлаб чиқадиган бир нечта шакллари мавжуд. Дуккакли-дон экинлари орасида лалмикор ерларда қурғоқчиликка ва юқори иссиқ ҳароратига энг чидамли ўсимлик ҳисобланади.

Тупроқда мақбул намлик 60-75 фоиз бўлганда яхши ўсади. Намгарчилик мўл бўлганда кўп зарарланади. Тупроқ танламайди. Шўрланган, унумдорлиги паст, қумлоқ ерда ҳам ҳосил бераверади. Шароит ва навига қараб, ўсиш даври 65-140 кун.

Бир тонна уруғ ва шунга мувофиқ вегетатив органлар ҳосил қилиш учун соф ҳолда 52 кг. азот, 21 кг. фосфор, 49 кг. калий ўзлаштиради. Озуқа моддаларини энг кўп ўзлаштирадиган даври уруғнинг тўлиши, пастки дуккакларнинг сарғайишига тўғри келади.



Маккажўхори чиришига нима сабаб бўлади?

Чириш касаллиги маккажўхори экиладиган бутун ҳудудда мавжуд. Уруғ, илдиз, илдиз бўйни, поя, сўта ва уруғ (дон) чиришига кўп замбуруғ турларининг қоришиқ инфекцияси сабаб бўлади. Касаллик омили одатда тупроқ ва уруғга хос.



Маккажўхори қуртлари касаллик омилларини ўсимлик ичига ташиб, поя ва сўта чиришининг ривожланишига ёрдам беради. Қулай шароитларда баъзи далаларда 20-30 фоизга етган ҳосил йўқотишга сабабчи бўлади.

Қишни тупроқ ичида ёки юзасида табиий чиқиндилар устида ва уруғ ичида ўтказади. Эрта даврда юзага келган касаллик ёмон дренажли ва оғир тупроқда кузатилади. Кеч давр чириши одатда тана чириши касаллигига ўтишнинг бошланғич босқичи ҳисобланади.

Уруғ униб чиқмасдан олдин касалликка чалинади. Кўчат даврида тупроқости ва тупроқусти қисмларига юқиши орқали ўсишга тўсқинлик қилади. Униб чиққан кўчатга тез зарар етказади. Барг учларида кулранг кўринишга келиб, бутун баргга ёйилади. 24-28 соат ичида батамом нобуд бўлади.

Илдиз бўйни чириши ўсимликларнинг жуда қисқа муддатда сув талаб қилиши кўринишида юзага келади. Вақти билан ўсимликда сарғайиш ва қуриш кузатилади.

Илдиз бўйни ва поя чиришида ўсимлик тана қисми атрофида қайрилиш ҳосил бўлади. Эгилади, тупроққа текканда бўғимларда таянч илдизларнинг кучсиз шаклга келгани кўзга ташланади.

Илдиз бўйни ва поя чиришига учраган маккажўхори ўсимликларида тупроқ юзасига яқин бўлган биринчи бўғимда жигарранг, сувли, юмшоқ ва тез ривожланувчи чўкиш юзага келади.

Поя чириши маккажўхори чиқмасдан олдин ёки кейин, ривожланиши тез бўлган ёш бўғим ораларида кузатилади. Ўсимликларнинг бўғим, сўта қўлтиғи ва сўта поялари чирийди. Бўғимлардаги чириш бошида жигарранг, қора рангда, мойли доғ ҳосил қилади. Бир қанча вақтдан сўнг доғ устида замбуруғнинг пушти – оқ рангли спораси пайдо бўлади. Касалликнинг кейинги даврида поя касалланган бўғимлардан синиши мумкин. Замбуруғ етук ўсимликларда илдизларга киради ва қобиқ тўқимасида ривожланади.

Маккажўхори қуртлари касаллик омилларини ўсимлик ичига ташиб, поя ва сўта чиришининг ривожланишига ёрдам беради. Қулай шароитларда баъзи далаларда 20-30 фоизга етган ҳосил йўқотишга сабабчи бўлади.



Ўзбекистонда “ТИББИЙ ХИЗМАТЛАР МЕҲМОНДЎСТЛИГИ” (“Medical service hospitality”) дастури амалга оширилади.



“Авиценна” номи остида Ўзбекистоннинг тиббий ва соғломлаштириш туризми бренди ишлаб чиқилади.



Тоифали (юлдузли) меҳмонхоналар типидаги санаторийлар фаолияти йўлга қўйилади.

МАНЗАРА

Уддабурон ёшлар аллақачон даромад топишяпти

Шу маҳалланинг ўзида туғилиб ўсганман, барчани таниганим боис ёшлар билан ишлаш қийин бўлмайди. Ҳар куни ишга кетаётганимда, йўл-йўлакай улар билан суҳбатлашаман. Муаммолари бўлса, йўл-йўриқ кўрсатиб, саволларига жавоб бераман. Қолган ҳолларда бирма-бир ижтимоий ёрдамга муҳтож ёпларини ўрганиш учун хонадонларга бораман.

Аҳрор ТЎЛҚИНОВ,
Пискент туманидаги “Дўнгқўрғон”маҳалласи ёшлар етакчиси.

Президент қарори асосида ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларнинг 14 нафарига 30 сотихдан ер ажратдик. Уддабурон ёшлар аллақачон ердан биринчи мавсумдаёқ 10-15 миллион сўм даромад қилишди. Миграциядан қайтган ёки кетишни истаётган ёшларга ҳам ер ажратиб, шу ернинг ўзидан мўмай даромад қилиши мумкинлигини тушунтирдим.

Бу йил 3 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшнинг олий таълим муассасасида ўқиши учун шартнома тўловининг 50 фоизи тўлаб берилди. Диёра Ўткированинг отаси мияга қон қўйилиши ташхиси билан 2-гуруҳ ногирони ҳисобланади. Онаси ҳам “Аёллар дафтари”га киритилган. Боқувчиси ногиронлиги сабаб шартнома тўлови тўланганди. Ҳозир кейинги тўловнинг иккинчи ярмини қоплаб беришни режалаштиряпмиз.

Мактабимиз туманнинг намунали таълим масканларидан. Сабаби, битирувчиларнинг кўп қисми олийгоҳларга кириш кўрсаткичларида туман бўйича кучли учликка киради. Жорий йилда 41 нафар битирувчидан 21 нафари талаба бўлди. Ёшлар таълимда фаол, дарсдан бўш вақтида мактабда ташкил этилган 10 дан ортиқ тўгаракка қатнашади.

Мактаб ёшидаги муаммоли болалар бизни кўпроқ ташвишга солади. Улар билан Миллий Гвардия ходимлари, психолог билан уйига бориб шароитини ўрганамиз. Нима сабабдан дарс қолдиряпти, дарс машғулотларини қолдиришга нима тўсқинлик қиляпти, аниқлаймиз. Шу жойнинг ўзида ечим топамиз. Агар масала ҳал этилмаса, муаммо моддий томонга тақаладиган бўлса, маҳалла раиси билан оилавий аҳволини тиклаш учун моддий ёрдам кўрсатамиз.

Йиғинимиздаги ёши катта муаммоли ёшлар билан ишлаш осон эмас. Битта фуқаромиз ҳар куни топган пулига спиртли ичимлик ичиб, оиласида жанжал чиқарар эди. Икки нафар қизи бор. Уларнинг таъминотига бефарқ бўлган. Хонадонга бориб, вазиятни ўргандик. Уни туман ички ишлар бўлимига бириктирдик. У билан алоҳида профилактик ишлар амалга оширилди. Доимий иш билан таъминландик. Ҳоким ёрдамчиси билан оилавий тадбиркорликни бошлаши учун 33 миллион сўм имтиёзли кредитга мотороллер олиб бердик. Ишдан бўш вақтида юк ташиб, хизмат кўрсатиш орқали оиласига қўшимча даромад олиб келади. Ҳозир деярли бўш вақти йўқ.

Тадбиркор ёшларни қўллаб-қувватлаш — устувор вазифаларимдан бири ҳисобланади. Асадбек Тўлқинов энди мактабни тугатганига қарамай, тадбиркорликка қўл уришдан чўчимади. Унга 30 миллион сўм имтиёзли кредит асосида новвойхона қуриб, нон пиширишучун печь, хамир оширадиган ускуна ва музлатгич олиб бердик. Ҳозирги кунда



Тадбиркор ёшларни қўллаб-қувватлаш — устувор вазифаларимдан бири ҳисобланади.

100-150 та нон пиширириб, маҳалла ва унинг атрофидаги дўконларга тарқатади. Кунида 200-250 минг сўм соф фойда қилади. Уйининг ёнида дўкон очишни режа қиляпти. Мен бу болани бошқа ёшларга ўрнак қилиб кўрсатаман. Инсон ҳаракат қилса, ҳеч қачон натижага эришмай қўймаслигини таъкидлайман.

Таклифим: йиғинимизда ёшларнинг кўпчилиги спорт билан шуғулланади, айниқса, футбол ўйини ёшларнинг жону дили. Аммо бизда футбол майдончаси талабга жавоб бермайди. Тунги ёритиш мосламалари йўқ. Спорт мажмуаси йўқлиги учун маҳалла болалари бошқа йиғинга бориб футбол ўйнашади. Агар инфратузилма яхшиланса, футбол майдони ва спорт билан шуғулланиш учун шароит яратилса, яхши натижаларга эришган бўлардик, деб ўйлайман.

НИГОҲ

Етакчи тавсияси билан жазо енгиллаштирилса...

Йил бошидан ҳозирга қадар хатловда 260 нафар норасмий равишда ишлайдиган ёшлар қайд этилган. “Еттилик” вакиллари билан ҳамкорликда уларга доимий иш ўринларини яратиш учун ҳаракат қиляпмиз. Шу кунгача 184 нафар ёшни расмий секторга ўтказдик. Аксариятининг бандлигини таъминлаш учун тадбиркорлик йўналишида имтиёзли кредит ва субсидиялар ажратилмоқда.

Зайнобиддин АҲМЕДОВ,
Учкўприк туманидаги “Чанг” маҳалласи ёшлар етакчиси.

Ёшларимиз расмий иш излаб, кимга мурожаат қилишни билмай, кўп сарсон бўлади. Айниқса, олий таълим битирувчилари орасида бундай ҳолат кўп учрайди. Иброҳим Валижонов олийгоҳни тугатгандан кейин вақтинчалик норасмий кунлик ишларда ишлади. Аслида, у, биринчи навбатда, маҳалла идорасига учраши керак эди. Кеч бўлса-да, биз ҳоким ёрдамчиси билан унинг бандлигини таъминлаш учун ҳудудимиз яқинидаги мактабларга алоқага чиқдик. Бўш иш ўрнини аниқлаб, мактабга ишга жойладик. Ушбу ҳолатдан кейин маҳалла ёшлари учун очилган телеграм гуруҳида уларга хос иш ўринлари ҳақида доимий равишда маълумот бериб бораман.

Жорий йилда 45 нафар ёш мактабни тугатди. Улардан 30 нафари ОТМга йўналтирилди. 4 нафари касб-ҳунарга ўқитилди. Айримлари хусусий секторда иш билан банд, қолганлари деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланади. Президент қарорига мувофиқ 24 нафар битирувчига 4 гектар ер ажратилди. Ёшлар деҳқончиликда малакали мутахассислардан тажриба ошириб, ўзлари мустақил экин экди. Ҳозир биринчи мавсумда етиштирилган дуккакли экиннинг ҳосилини йиғиб олмоқда. Кейинги мавсумда шолғом экишни режалаштиряпти.



Ёшларга берилаётган имкониятдан фойдаланишда қизларимизнинг ғайрати сезилиб туради.

Мактаб битирувчиларининг кўпи янги ҳаётга қадам қўяётганда ишни нимадан бошлашни билмайди. Шундай вақтда уларга тўғри йўл кўрсатишга ҳаракат қиламан. Мисол учун, Нозим Абдушукуров яқинда мактабни тамомлади. Ёнимга келиб, мактаб вақтида устага шогирд тушгани ва машина таъмирлашни пухта эгаллаганини маълум қилди. Дарҳол унга автомобилларга техник хизмат кўрсатиш устахонасини очиб бердик. Ҳозир ёнида икки шогирди билан машиналарни таъмирдан чиқаради.

Ёшларга берилаётган имкониятдан фойдаланишда қизларимизнинг ғайрати сезилиб туради. Шижоатли қизимиз Зарифа Каримова йил бошида хатловда аниқланиб, унга 17 миллион сўм миқдорида субсидия ажратилганди. Ушбу маблағга тикув машинасини сотиб олди. Тикувчиликни билган ҳолда, уч ойлик чеварчилик курсида ўқиб, малака оширди. Ҳозирда болалар кийимини тикади. Кўплаб харидори бор.

Мактабимизда ёшларни қизиқтирган спорт ва фан йўналишларида тўгараклар ташкил этилган. Улар спорт билан доимий равишда машғул бўлиши учун катта спорт мажмуаси қурилган. У ерда болалар бокс, оғир атлетика, шахмат каби исталган спорт тури билан шуғулланади. Бундан ташқари, ўқувчиларга китоб ўқишни кўпроқ тарғиб қиламиз. “Ибрат фарзандлари”, “Маънавият” каби тадбирларни ўтказиб, ёшларни китоб ўқишга рағбатлантирамиз. Ҳатто навбатда турган одамлар китоб ўқиши учун сартарошхоналарда 10-15 донадан китоб қўйдик. Навбат кутганлар китоб мутолааси билан вақтини унумли ўтказади.

Жиноятчиликка оид яқинда шундай воқеа юз берди. Вояга етмаган ёш болалар муштлашиб, бир-бирини жароҳатлаган. Улардан бири йиқилиб, лат еган. Иккинчиси судда айбдор деб топилиб, 3 йилга қамалди. Ёшлар иттифоқида ишлаган пайтимда биринчи марта ёки тасодифий инсон омили билан жиноят қилган вояга етмаганларга ёшлар етакчисининг тавсияси билан жиноят турига қараб жазо енгиллаштириларди. Таклифим шундан иборатки, ёшлар етакчиси маҳалла боласининг ижтимоий ҳолатини ва хулқини яхши билади. Шунинг учун суд жазо тайинлашда оғир бўлмаган ҳолатларда болани ёшлар етакчисининг ёки маҳалланинг назоратида қолдириб, ҳукмни енгиллаштирса, мақсадга мувофиқ бўларди.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Зафарон АДИМАТОВА,
Олмалиқ шаҳри.

— Мен ҳозирда хусусий университетда 2-босқич талабасиман. Ўқишни давлат олийгоҳига кўчирмоқчиман. Лекин таълим йўналишлари бироз фарқ қилади. Айтингчи, талабалар ўқишини нодавлат олий таълим ташкилотларидан давлат олийгоҳларининг мос ва турдош бўлмаган (яъни, нотурдош) таълим йўналишларига кўчириш тартиби қандай?



ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШЛАРИГА КЎЧИРИШ ТАРТИБИ ҚАНДАЙ?

Назокат АБДУҚУНДУЗОВА,
Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги матбуот котиби:

— Ижтимоий тармоқларда талабалар ўқишини нодавлат олий таълим ташкилотларидан давлат олийгоҳларининг мос ва турдош бўлмаган (яъни, нотурдош) таълим йўналишларига кўчириш тартиби алоҳида янгилик сифатида нотўғри талқин қилинмоқда.

Аслида, талабалар ўқишини республикада фаолият юритаётган хорижий ва нодавлат олий таълим ташкилотларидан давлат олий таълим муассасаларига кўчириш тартиби Президентнинг 2022 йил 15 июндаги тегишли қарори билан тасдиқланган. Унга кўра, мос ва турдош таълим йўналишларига кўчириш учун талабадан алоҳида иқтидор талаб этиладиган таълим йўналишлари бўйича касбий (ижодий) имтиҳонлар, бошқа таълим йўналишлари бўйича тест синовлари ўтказилади. Касбий (ижодий) имтиҳонларни тегишли олий таълим муассасаси, тест синовларини Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги ўтказади.

Тест синовлари ва касбий (ижодий) имтиҳонлар бўйича ўтиш баллари ҳар йили 15 июлга қадар Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда тизимида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар томонидан белгиланади ҳамда Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигининг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

Ўтиш баллидан паст балл тўплаган талабалар бакалавриатга қабул қилишдаги тартибга мувофиқ, табақалаштирилган тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинади.

Шу ўринда, ўқишни кўчириш жараёнида намунавий ўқув режаларидаги умумкасбий ва ихтисослик (мутахассислик) фанлари бўйича фарқлар 4 тадан ошганда фуқаронинг ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш ҳақидаги аризасига рад жавоби берилади ёки ўтиш баллини тўплай олмаган талаба сифатида қайта ўқиш учун тегишли курсда қолдириш таклифи берилади. Курсдан курсга қолган талабалар фақат қарздор бўлган фанларни ўзлаштириб уларга мос равишда шартнома маблағларини тўлайди.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

“ЁШЛАР ДАФТАРИ”ГА КИРИТИШ НЕЧА ЁШДАН БОШЛАНАДИ?

— Ёшим 23 да, отам яқинда вафот этди. Онам билан оғир турмуш шароитида қолдик. “Ёшлар дафтари”га киришим мумкинми? “Ёшлар дафтари”га киритиш нечa ёшдан бошланади?

Жалил ҲОЛИҚОВ,
Касби тумани.



Сирожиддин ТОҲИРЖОНОВ,
Ёшлар ишлари агентлиги бош мутахассиси:

— Мумкин. Ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган, боқувчисини йўқотган ёхуд юзага келган ҳолатлар сабабли оғир турмуш шароитида қолганлар “Ёшлар дафтари”га киритилади. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 июндаги тегишли қарори билан тасдиқланган Низомга асосан, “Ёшлар дафтари”-га киритиш ёшларнинг доимий ёки вақтинча яшаш жойи бўйича ўн тўрт ёшдан бошланади.

Ўттиз ёшдан ошганлар “Ёшлар дафтари”га кириш учун ариза берса, рад этилади, чунки дафтарга киритишнинг максимал ёши 30 ёшдан ошмасликни талаб қилади.

Шунингдек, сизнинг вазиятингизда моддий аҳволи қийин ёшларга бир марта бериладиган моддий ёрдам тўлаб берилади. Уни тайинлашнинг аниқ миқдори ёшнинг ҳаётий вазияти мураккаблигини инобатга олган ҳолда, БҲМнинг 4 бараваригача миқдорда Васийлик кенгаши қарорига мувофиқ амалга оширилади.

Бир марта бериладиган моддий ёрдам тўлиқ давлат таъминотида бўлмаган, ҳаётий мураккаб вазиятга тушган ёшга, биринчи навбатда тайинланади.



Жорий йилда 38 триллион сўмлик ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ишлаб чиқарилади.



“ЭНГ ЯХШИ МИЛЛИЙ КОНТЕНТ” республика танлови ғолиблари аниқланди.



Туркиялик ҳамкорлар билан Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ГЕМОДИАЛИЗ МАРКАЗЛАРИ ташкил этилади.

ХАБАДОРМИСИЗ?

Талабага уй берсак, солиқ тўламаймизми?

Олий таълим муассасаларида ўқиш бошланганига бир ой бўлган бўлса-да, талабалар ҳамон ижара билан боғлиқ муаммоларга дуч келмоқда. Айрим мулкдорлар ижара шартномаси тузишдан бош тортмоқда.

Аҳмад ФАЙЗИЕВ,
Солиқ қўмитаси бўлим бошлиғи.

Уй эгаларига яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчимизки, агар сиз талабаларга уй-жойингизни ижарага берган бўлсангиз, ижара шартномасини солиқ органларида ҳисобга қўйишингиз керак. Буни **ijara.soliq.uz** сайтида ёки “Солиқ” мобил иловасида **“Талабалар учун ижара шартнома”** бўлими орқали амалга оширишингиз мумкин.

Шуни ҳам билиш керакки, ижара шартномаларини рўйхатдан ўтказишда талабалардан электрон рақамли имзо талаб қилинмайди.

Одатда, кўчмас мулк ижара шартномаларини икки хил усулда ҳисобга қўйиш мумкин. **Биринчиси**, ijara.soliq.uz сайти орқали амалга оширилади. Бу жараёнда ижарага берувчи сайтдан **“Талабалар ижараси”** бўлимини танлаб, **“Ижарага олувчи талаба тўғрисида маълумот”** ойнасига ижарага олувчи талабанинг ЖШШИРни киритганда унинг маълумотлари *(Ф.И.О, таълим олаётган ўқув юрти, факултети, таълим шакли ва босқичи, шунингдек, доимий рўйхатга олинган манзили)* автоматик шаклланади.

Кейинги жараёнда “Қўшиш” тугмаси орқали талаба билан бирга турган бошқа талабалар дастурга киритилади. Сўнгра “Телефон рақами” қаторига ижарага олувчи талабанинг телефон рақами киритилиб, **“Тасдиқлаш кодини юбориш”** тугмаси босилади. Талабанинг телефонига “SMS” орқали келган 5 хонали рақам “Тасдиқлаш коди” қаторига ёзилиб “Тасдиқлаш” тугмаси босилади.

Иккинчиси, “Солиқ” мобил иловаси орқали ҳисобга қўйиш мумкин. Бу жараёнда илованинг **“Ижарага бериш”,** ундан сўнг **“Талабалар учун ижара шартнома”** бўлими орқали талабалар билан тузилган кўчмас



мулк ижара шартномалари ҳисобга қўйилади.

Иловага ижарага берувчи жисмоний шахс томонидан талабанинг шахсий идентификация рақами киритилганда унинг маълумотлари автоматик шаклланади. Талабалар Face ID ёки телефон рақамига “SMS” орқали келадиган 5 хонали рақамни киритиш орқали ижара шартномасини тасдиқлаши мумкин.

Талабалар билан тузилган ижара шартномалари ҳисобга қўйилганда ушбу маълумотлар Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги базасида шаклланади. Бу эса **ойлик ижара тўловининг бир қисмини қоплаб беришда олий ўқув юртларига қулайлик яратади.**

Эслатиб ўтамиз, солиқ тўловчининг уй-жойларни талабаларга ижарага беришдан олинган даромадларига жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинмайди.

СОЛИҚЧИ – КЎМАКЧИ

Маҳсулотларни қайта ишлаш корхоналари ташкил этилади

“Маҳалла еттилиги”нинг ташкил этилиши ҳудудларда комплекс ишларнинг жадаллашуви ва умумлашувига хизмат қилмоқда. Қувонарлиси, натижалар солиқ инспекторлари фаолиятида ҳам кузатилмоқда. Чунки ҳар бир солиқ тўловчининг хонадони ва тадбиркорлик субъектида бўлиб, уларнинг муаммосини тизимли ўрганяпмиз. Солиқ соҳасидаги ўзгаришларни тушунтириш орқали яширин иқтисодиётнинг олдини оляпмиз.

Темур КАРИБОЕВ,
Урганч туманидаги “Бободеҳқон”, “Қипчоқ” ва “Оқ олтин” маҳаллалари солиқ инспектори



Биз, солиқ инспекторларининг асосий мақсади – нафақат давлат ғазнасини тўлдириш, балки фуқароларга қулайлик яратишдир. Шу боис “маҳалла еттилиги” билан биргаликда менга бириктирилган маҳаллаларда яшовчи фуқаролар билан мулоқотда бўлиб, уларни тадбиркорликка жалб этиш чораларини кўрдик. Қизиқишларига қараб, йўл-йўриқ кўрсатиб, зарур маслаҳатлар бердик.

“Бободеҳқон”, “Қипчоқ” ва “Оқ олтин” маҳаллаларида деҳқончилик, боғдорчилик, чорвачиликка ихтисослашган 80 та фермер хўжалиги фаолият юритмоқда. “Маҳаллабай” ишлаш асосида ушбу маҳаллаларда чакана савдо, тикувчилик, темирчилик йўналишларини ривожлантирдик. 11 нафар фуқаронинг тадбиркорлик фаолиятини қонунийлаштириб, 34 нафар тадбиркорлик субъектини рўйхатдан ўтказдик. Қолаверса, 11 та корхонада 12 нафар норасмий ишчининг фаолияти расмийлаштирилиши ҳисобига 3 миллион 300 минг сўм иш ҳақи ва 1 миллион 300 минг сўм қўшимча даромад солиғи ҳисобланди.

Ҳар бир тадбиркорлик субъекти билан маслаҳатли ишлашимиз натижасида 33 та тадбиркорнинг товар айланмаси 348 миллион сўмга оширилди. Натижада 112 миллион 400 минг сўм маҳаллада қўшимча айланмадан олинадиган солиқ ҳисобланди. Бу солиқ тури бевосита туман бюджетини шакллантиради.

Жорий йил ҳисобида жисмоний шахсларнинг тураржой объектларидан 715 миллион 200 минг сўм солиқ тушумлари ундирилди. Шундан 10 фоизи, яъни 71 миллион 500 минг сўм маҳалла инфратузилмасини ривожлантириш учун “маҳалла бюджети”га ўтказилди. Шунингдек, 42 та қўшимча объект аниқланиб, 13 миллион 900 минг сўм мол-мулк ва ер солиқлари тўланди. Эътиборлиси, ўзини ўзи банд қилган 613 нафар фуқаронинг 40 нафари якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиб, дастлабки фаолиятини бошлади.

Эндиликда кичик бизнесни ривожлантириш орқали фуқаролар бандлигини таъминлаш ва фаровонлигини ошириш чораларини кўряпмиз. Шунингдек, гўшт ва сут етиштиришга ихтисослашган “Urganch urug'chi”, “Semurg'” ва “Asmetov Xusin” фермер хўжаликлари қошида маҳсулотларни қайта ишлаш корхонларини ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Давлат ғазнасини, яъни бюджетни шакллантиришда солиқ тизимининг ўрни катта. Шу сабабдан мамлакатда солиқ сиёсатининг барқарор бўлиши аҳоли турмуш фаровонлигининг гарови бўла олади. Эндиликда, солиқ сиёсатининг маҳаллаларга кўчгани тизимнинг барқарорлашуви омили бўлиб хизмат қилади.

ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТ

ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛГАН ШАХС ФИРИБЛАРИ

Ўтказилаётган солиқ назорати тадбирлари жараёнида Тошкент шаҳрида ўзини ўзи банд қилган жисмоний шахс сифатида рўйхатдан ўтган фуқаро А.Н. бир вақтнинг ўзида 106 та фаолият тури билан шуғулланганлиги аниқланди.



Ушбу фуқаро жорий йилнинг март ва апрель ойларида 4 та юридик шахсга 123,2 млрд. сўмлик 357 турдаги товарлар ва хизматларни реализация қилган.

Юридик шахслар томонидан мазкур харидлар сунъий равишда ҳисобга олинадиган ҚҚС суммасини яратиш ва товарларнинг кирим ҳужжатларини қонунийлаштириш мақсадида амалга оширилган.

Хўш, бу ҳолатда солиқ қонунчилигининг қайси талаблари бузилган?

Биринчидан, агар ўзини ўзи банд қилган шахснинг даромади 100 миллион сўмдан ошса, у якка тартибдаги тадбиркор каби 4 фоиз ставкада айланмадан олинадиган солиқ (АОС) тўлайди. Шундай экан, мазкур ўзини ўзи банд қилган шахсга нисбатан АОС қўшимча ҳисобланади.

Иккинчидан, агар ўзини ўзи банд қилган шахснинг даромади 1 миллиард сўмдан ошса, у мажбурий тартибда ҚҚС тўловчиси ҳисобланади ва солиқ органларида махсус рўйхатдан ўтказиш ҳисобида туриши лозим. Демак, унинг 1 миллиард сўмдан ортиқ даромадидан ҚҚС ва фойда солиғи қўшимча ҳисобланади.

Учинчидан, ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг меҳнат фаолиятидан ташқари олинган даромадларига Солиқ кодексида белгиланган тартибда солиқ солинади.

Бу каби ҳолатлар аниқланганда, таҳлилий ва текширув материаллари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ҳуқуқий баҳо бериш мақсадида тақдим этилади.

Хулоса қилиб айтганда, йўл қўйилган ҳуқуқбузарликлар жиддий ҳуқуқий ва молиявий оқибатларга олиб келмаслиги учун ўзини ўзи банд қилган фуқаролар ўз фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ юритишлари лозим.

Исматулло СЕВИНЧОВ,
Солиқ қўмитаси бош инспектори.

ЭСЛАТМА

СОЛИҚ ҲИСОБОТИ ЎЗ ВАҚТИДА ТАҚДИМ ЭТИЛМАСА...

Фаолиятимиз давомида айрим солиқ тўловчилар ҳисоботларини ўз вақтида топширмаслиги каби ҳолатларга дуч келяпмиз. Бу, ўз навбатида, солиқ тўловчиларга бир қатор муаммоларни юзага келтиради.

Суҳроб ЗИЁДУЛЛАЕВ,
Солиқ қўмитаси бош инспектори.

Шуни унутмаслик керакки, солиқ ҳисоботини ўз вақтида тақдим этмаганлик учун солиқ тўловчи бўлган юридик шахснинг мансабдор шахси ёки солиқ тўловчи бўлган жисмоний шахс маъмурий жавобгарликка тортилади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга мувофиқ, солиқ ҳисоботларини ўз вақтида тақдим этмаслик:

– ЯТТларга – БҲМ (2024 йил 1 октябрдан БҲМ 1 баравари 375 000 сўм)нинг 3 баравари миқдорида;

– Юридик шахснинг раҳбарига – БҲМнинг 10 баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Солиқлар ва йиғимларни тўлаш учун тўлов топшириқномасини хизмат кўрсатаётган банкка тақдим этмаслик ёки ўз вақтида тақдим этмаслик юридик шахснинг раҳбари ва ЯТТга – БҲМнинг 5 баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Қуйида айни шу мавзуда солиқ тўловчилардан келган саволларга берилган жавобларни келтириб ўтамиз.

– Қандай ҳолларда солиқ ҳисоботларини тақдим этмаганлиги учун солиқ тўловчининг банк ҳисобварақлари бўйича операциялари тўхтатилади?

– Солиқ тўловчилар солиқ ҳисоботларини белгиланган муддат тугаганидан кейин 10 кун ичида тақдим этмаганда уларнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операциялари тўхтатиб турилади.

– Қандай ҳолларда солиқ тўловчилар солиқ ҳисоботларини тақдим этмаганлик ҳамда тўлов интизомини бузганлик учун маъмурий жавобгарликдан озод қилинади?

– Мазкур ҳуқуқбузарлик биринчи маротаба содир этилганда ҳуқуқбузарлик аниқланган пайтдан эътиборан 30 кун ичида ихтиёрий равишда бартараф этилган тақдирда жавобгарликдан озод этилади.

– Маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун жарима солиш тўғрисидаги қарор қанча муддатда юборилади?

– Солиқ органларининг ахборот тизим орқали қайд этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун жарима солиш тўғрисидаги қарор жарима солиш тўғрисидаги қарор чиқарилган кундан эътиборан 3 кун ичида солиқ тўловчининг шахсий кабинетига юборилади.

Шундай экан, солиқ ҳисоботларни ўз вақтида тақдим этиб боринг!



ТЕРМИЗ ШАҲРИДА Имом Термизий илмий меросига бағишланган халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтади.



Ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтиришга қаратилган ҳужжат РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИНАДИ.



Ўзбекистонда Аи-80 бензинидан фойдаланишни тақиқлаш 2028 йилдан БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ амалга оширилади.

СУД ҲУКМИ

Лақмаликми, очкўзликми?

Рамзиддин тушпа-тузук оила фарзанди. Ота-онаси фарзандларига ҳалол едириб, ҳалол меҳнат қилишни ўргатган. Лекин Рамзиддиннинг табиатида яширин шумлик бор эканми, мактабни битирибоқ, судянинг қора курсисига ўтирди. Ота-онасининг панд-насиҳатлари кор қилмаган экан, иккинчи бора ҳам жиноятга қўл урди.

Камронбек САЙФУДДИНОВ, Шайхонтоҳур тумани ИИО ФМБ ҳузуридаги Тергов бўлими терговчиси.

Афсуски, бундан ҳам тўғри хулоса чиқармади. Шайхонтоҳур туманида жойлашган касалхона ёнида телефонлар савдоси билан шуғулланувчи, 1980 йилда туғилган Камоланинг ишончига кириб, гўёки пештахталарда сарғайиб ётган молларини тезда сотиб бериши мумкинлигини айтади. Шундоқ ҳам савдоси юришмай, пулга зориқиб турган Камола унинг ваъдаларига ишониб, тўрт дона “Mi 10 Pro”, бир дона “Iphone 12 Pro Max”, бир дона “Mi T 10” русумли, жами 5 140 АҚШ долларилик уяли алоқа воситаларини пулини сотганидан кейин олиш шарти билан бериб юборади.

Ҳаром луқманинг мазасини тотиб кўрган Рамзиддин ўн кунлар ўтиб яна Камоланинг дўконига ташриф буюради. Уни кўрган қиз пулларни олиб келди, деб ўйлаб қувонади. Аммо у:

– *Бир яхши таклиф билан келдим. Сиздан олган телефонларни сотиб бўлдим. Бироқ бу пуллардан фойдаланиб турсам дегандим, албатта, рухсат берсангиз. Чунки мен 10 кунга Дубайга кетяпман. У ердан арзон телефон ва бошқа техникалар олиб келаман. Бирор нарса керак бўлса, келтириб беришим мумкин. Қайтиб келай, кейин пулларни фоизи билан бераман, шуни айтгани келгандим. Яна мени излаб, нотўғри фикрларга бориб юрманг,* – *дейди*.

Унинг тузоғига илинган қиз 10 дона “Playstation” ўйини жиҳозлари – консолларига буюртма беради ва ўз қўллари билан 4 050 АҚШ долларини фирибгарга тутқазади. Шу-шу Рамзиддин билан ички ишлар идораларида кўришишга тўғри келади.

Ҳар қандай шахс билан бирор бир тасдиқловчи ҳужжатсиз, гувоҳларсиз, кафолатланмаган олди-бердиларни амалга ошириш нотўғри ҳаракатдир. Фирибгарлик тобора кўпайиб бормоқда. Бу ҳақда қанчалик бонг урмайлик, ишонувчан, соддадил инсонлар фирибгарларнинг осон “ўлжаси”га айланиб қолишмоқда. Шу ўринда, арзон мол олиб, қимматроқ сотиб бойиш умидида озидан ҳам айрилиб қолаётганлар қилаётган ишларини тарозига солиб кўрсалар яхши бўларди.

Жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур тумани суди Рамзиддиннинг хатти-ҳаракатига қонуний баҳо бериб, уни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми “б” банди (“Фирибгарлик”) билан айбли, деб топди. Айбланувчининг қарамоғида икки нафар вояга етмаган фарзанди борлиги, оиланинг ягона боқувчиси эканлиги, етказилган зарарни тўлиқ қоплагани ва жабрланувчининг даъвоси йўқлигини ҳисобга олиб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда, 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига ҳукм қилди.



ХАБАР БЕРИНГ!

ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ!

Бош прокуратура ҳузуридаги Департамент қошидаги Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекцияси Ишонч телефони ишга туширилди.

Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳамда фуқаролар!

Этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини муомалага киритиш ёки ишлаб чиқаришда бирон бир ноқонуний хатти-ҳаракатлар ёки контрабанда ҳолатларига дуч келган тақдирингизда Инспекциянинг +(71) **202 8690** телефон рақамига мурожаат қилишингиз мумкин бўлади.

Эслатиб ўтамиз, лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонунчиликни бузиш, товарларни сифатини тасдиқлайдиган ҳужжатларсиз сотиш ёки мажбурий равишда рақамли маркировкалаш қоидаларини бузиш, сохта тадбиркорлик, этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда муомалага киритиш ёки ишлаб чиқаришда иштирок этган шахсларнинг хатти-ҳаракатлар учун қонунчиликда жавобгарлик белгиланган.

Мамлакатимизда алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш, истеъмол бозорида сифатли маҳсулотларни қонуний муомалага киритилишида барчамиз бирдек масъулмиз.

Бош прокуратура ҳузуридаги Департамент қошидаги Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекцияси.

ПРОФИЛАКТИКА ҲУДУДИ

“Жиноятдан холи ҳудудга айландик”

Дўрман овул фуқаролар йиғини туман марказидан 25 километр олисда жойлашган. Бу ердаги уч мингдан ортиқ аҳолининг асосий даромади чорвачилик ва деҳқончиликдан. Бир йил олдин овулда ижтимоий-маиший муаммолар сабаб, тан жароҳати билан боғлиқ жиноятлар қайд этилган. Шу сабаб йиғин “қизил” тоифага тушиб қолган.



Иноят БОБОЖОНОВ, Амударё туманидаги Дўрман овул фуқаролар йиғини профилактика катта инспектори.

Фаолиятимнинг илк кунларидан вазиятни хонадонлар кесимида ўрганиб, ҳар бир оиланинг аҳволидан хабардор бўлдим. Биринчи навбатда, ҳуқуқбузарлик содир этиш ёки ундан жабр кўриш эҳтимоли юқори бўлган фуқароларни аниқлаб, уларнинг ижтимоий-маиший муаммоларини ҳал этиш чораларини кўрдик. Нуронийлар, имом-хатиб ва кенг жамоатчилик иштирокида тарғибот ишларини олиб бориб, нотинч оилалар, спиртли ичимликка ружу қўйган, муқаддам судланган ва руҳий касалликка чалинган фуқаролар билан манзилли ишладик.

Шунингдек, профилактик ва пробация ҳисобидаги шахслар билан тизимли ишлаб, бундай шахслар тақдирини ижобий томонга ўзгартириб, уларни жамиятнинг фаол аъзоси сифатида тўғри йўлга бошладик. “Маҳалла еттилиги” ҳамкорлигидаги бир йиллик саъй-ҳаракатларимиз натижасида овул “қизил” тоифадан “яшил” тоифага ўтди.

Бундай кўрсаткичга эришишимда менга овулнинг ўзида хизмат уйи берилгани ҳам катта сабаб бўлди. Узоғимни яқин қиладиган машинам бор. Мана шундай қулайликлар сабаб кечаю кундуз ўз ҳудудимда бўлиб, ҳар бир хонадон билан самарали ишлаяпман. Фуқаролар осойишталиги ва хавфсизлигини таъминлаяпмиз. Бу жараёнда тунги кузатув тадбирларнинг ўтказилиши, видеокузатув қурилмаларнинг ўрнатилиши ижобий самара бермоқда.

Энг муҳими, вояга етмаганлар ва ёшларнинг ҳуқуқий онгини ошириш, уларни соғлом турмуш тамойиллари асосида тарбиялаш орқали ижтимоий жиҳатдан хавфли хатти-ҳаракатлар содир этилишининг барвақт олди олинмоқда. Ёшларнинг бўш вақтини янада самарали ўтказиш учун 20- ва 84-мактабларда фан ва спорт тўгараклари йўлга қўйилди. Футбол ишқибозлари учун қўшимча мини футбол стадиони ҳам ташкил этилган.

Қувонарлиси, овул жиноятдан холи ҳудудга айлангач, китобхон ёшлар, ҳатто оилалар кўпайди. Биргина мисол, Ўринбоевлар оиласи (Умидбек Ўринбоев, Муҳаббат Давлетова) “Ёш китобхон оила” танловининг республика босқичида ғолибликни қўлга киритиб, Президент совғаси – “Spark” автомобилига эга бўлди.

Жиноятчиликнинг асл илдизларидан бири—ишсизлик. Шу боис “маҳалла еттилиги” билан ҳамкорликда аҳолини ишли қилишга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Маҳаллада муносиб иш тополмаган фуқаролар “Хорижга иш – маҳалладан” тамойили асосида касб-ҳунарга қўшимча ўқитилиб, хорижлик иш берувчилар талабига қараб мақсадли юборилмоқда. Ҳозирда юздан ортиқ меҳнат мигрантимиз хорижда. Уларнинг фирибгарлар тузоғига тушиб, ўз ҳақ-ҳуқуқларидан айрилмаслиги учун ҳар ой ижтимоий тармоқлар орқали мулоқотда бўлиб, ишлаш ва яшаш шароитларини ўрганиб боряпман. Шунингдек, чет элдан юртимизга қайтган фуқаролар бандлигини таъминлаш чоралари кўрилмоқда. Жорий йил 11 нафар ёшга ер берилиб, бандлиги таъминланди. Икки нафари кредит олиб, тадбиркорлик билан шуғулланмоқда.

Келгуси режаларимдан бири—тарғибот ишларини янада кучайтириб, ишсизларни камайтириб, овулни жиноятдан холи ҳудудда сақлаб қолишдир.



Энг муҳими, вояга етмаганлар ва ёшларнинг ҳуқуқий онгини ошириш, уларни соғлом турмуш тамойиллари асосида тарбиялаш орқали ижтимоий жиҳатдан хавфли хатти-ҳаракатлар содир этилишининг барвақт олди олинмоқда.

ЭСЛАТМА!

ҚОНУНГА ЗИД САҚЛАНАЁТГАН ҚУРОЛЛАРНИ ЎЗ ИХТИЁРИНГИЗ БИЛАН ТОПШИРИНГ

Республикамизда ўқотар қуроллар, унинг ўқ-дорилари муомаласи билан боғлиқ жараёнларни тартибга солиш, пиротехника воситаларининг ноқонуний муомаласининг олдини олиш бўйича ўтказилаётган тадбирларнинг самарадорлигини таъминлашга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилаётганига қарамай, бунга оид айрим масалалар қонуний ечимини топмай келаётганди.

Бахриддин НАЗАРОВ, Жарқўрғон тумани ИИБ ЖХХ ЖТСГ профилактика катта инспектори, капитан.

Қонунчиликдаги мазкур кемтикларни бартараф этиш мақсадида жорий йил 27 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Қурол тўғрисидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 220^1-моддасига қўшимча киритиш ҳақида”ги қонуни билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартириш киритилди. Унга кўра, фуқаронинг ўз эгалигида бўлган ноқонуний пневматик, сигнал берувчи, тиғли совуқ, улоқтириш ва ўз-ўзини ҳимоя қилиш қуролини ихтиёрий равишда тегишли идораларга топширган тақдирда, маъмурий жавобгарликдан озод қилиниши қонунан мустаҳкамланди.

Қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартиришлар бўйича Жарқўрғон тумани Ички ишлар бўлими рўйхатида турувчи шахсий ўқотар ов қурол эгалари билан учрашувлар ўтказилмоқда. Унда мазкур қонуннинг мазмун-моҳияти ҳамда келгусида қурол билан боғлиқ нохуш ҳолатларнинг олдини олиш, ов қуролларни сақлашда хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш лозимлиги тўғрисида тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

Фуқаролар тарғибот тадбирлари натижасида қонунга зид сақланаётган пневматик қуролларни ўз ихтиёри билан ички ишлар бўлимига топширишмоқда. Жумладан, Жарқўрғон туманидаги “Дўстлик” маҳалласида яшовчи фуқаро Сардор Нормуродов, “Қорабуро” маҳалласида яшовчи Тўйчи Турдалиев хонадонидаги чуқур ўрадан топилган, ҳозирда яроқсиз ҳолатдаги ов қуролини топширишди.

Ҳурматли фуқаролар!

Агар сизда ноқонуний пневматик қуроллар бўлса, ихтиёрий равишда туман ИИБга топширинг. Акс ҳолда, қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилишингиз мумкин.






Ўзбекистон Либерия ҳамда Того Республикаси билан ДИПЛОМАТИК АЛОҚАЛАР ўрнатди.



БОШ ПРОКУРАТУРА Баскетбол федерациясида 489 млн. сўм маблағ талон-торож қилинганини аниқлади.



Британия музейида Ўзбекистондан 14 та буюм намойиш этиладиган “SILK ROADS” кўргазмаси очилди.

ҲУҚУҚ

ОИЛА ШАКЛИДАГИ БОЛАЛАР УЙЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ



Президентнинг тегишли фармон ва қарорига асосан, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Камбағал оилалар реестрини шакллантиради.

2025 йил 1 январдан кам таъминланган оилалар болалари учун нафақа ва моддий ёрдам олаётган оилаларнинг расмий банд бўлмаган аъзолари ишга жойлашганда, ўзини ўзи банд қилганда ёки тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйганда, ушбу нафақа ва моддий ёрдамни уларнинг муддати тугагунга қадар, бироқ 6 ойдан кўп бўлмаган муддатга тўлаш давом эттирилади.

2025 йил 1 апрелдан Самарқанд ва Тошкент шаҳарларида эксперимент тариқасида аутсорсинг асосида Камбағал оилалар реестрига киритилган боқувчисини йўқотган тўлиқ бўлмаган оилалар, меҳнатга лаёқатли аъзоси бўлмаган оилалар, икки ва ундан ортиқ ногирон аъзолари мавжуд оилалардаги ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга кундузги қатнов асосида қараб туриш хизмати кўрсатилади.

Шунингдек, ижтимоий етимликнинг олдини олиш, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга индивидуал ёндашув асосида оилага яқин муҳитда ғамхўрлик кўрсатиш ҳамда тарбиялаш хизматини кўрсатиш мақсадида маҳаллаларда оила шаклидаги кичик ҳажмли болалар уйлари ташкил этилади.

Якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган жисмоний шахсларга алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларнинг кундузги парвариш хизматларини ҳамда юридик шахсларга ногиронлиги бўлган болалар, шу жумладан, алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун кундузги парвариш хизматларини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида кўрсатишга рухсат берилади.

БИЛИБ ҚЎЙИНГ

ДОРИ-ДАРМОН ХАРАЖАТЛАРИ ҚОПЛАБ БЕРИЛАДИ



Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 31 майдаги “Темир дафтар” орқали ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига асосан, оғир ва узоқ вақт даволаниш талаб этиладиган касалликка чалинган оилаларга ёрдам кўрсатилади.

Қарорга кўра, “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағлари ҳисобидан ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар ва оилаларнинг БҲМнинг 10 бараваригача (ҳозирда 3 400 000 сўм) бўлган миқдорда дори-дармон билан таъминлаш харажатлари қоплаб берилади. Бу жараёнда дори-дармон билан таъминлаш харажатларини қоплаш учун битта оилага бир йилда икки марта ёрдам кўрсатилиши мумкин.

Яъни ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар ва оилаларга бир йилда 6 800 000 сўм миқдоргача дори-дармон учун харажатлари тўлаб берилади. Бу миқдорнинг БҲМнинг 5 бараваригача (1 700 000 сўм) бўлган қисми ижтимоий ҳимояга муҳтож шахснинг банк пластик картасига ўтказиб берилади, қолган ҳолатларда тегишли маблағлар шартнома асосида ўтказилади.

“Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағларидан ижтимоий ёрдам кўрсатиладиган шахслар ва оилалар уларнинг мурожаати ёки бевосита “Инсон” ижтимоий хизматлар марказларининг ижтимоий ходимлари кейс-менежмент усулидан фойдаланган ҳолда ўтказадиган ўрганишлари натижалари бўйича аниқланади.

МАНЗАРА

БОЛАЛАР НАФАҚАСИ БИЗГА КЕРАКМИ?..

Кўпчилик шу ёрдамни олиш учун ўзини сунъий равишда банд қилиб кўрсатади, айримлар шу пулга кўз тикиб ишламайди...

Фарида ҲАСАНОВА, Сергели туманидаги “Қурувчилар” ва “Фароғатли” маҳаллалари ижтимоий ходими.

“Қурувчилар” маҳалласида яшайдиган, 1988 йилда туғилган қизнинг руҳиятида бироз муаммолари бўлгани боис уйдан кўчага чиқмасди. Ўз қобиғига ўралиб, жуда тушкун кайфиятда эди. Уни бу вазиятдан чиқариш учун ҳоким ёрдамчиси билан ҳамкорликда тўқувчига шогирдликка бердик. Янги ҳунар ўрганиб, ўзини ўзи банд қилди. Ҳозир болажонлар учун бежирим кийимлар тўқиб, вақтини мазмунли ўтказмоқда. Бундан ташқари, маҳалламиздаги тадбирларда фаол иштирок этяпти. Жамиятдаги фаоллиги ва интилувчанлиги сабаб совчилари кўпайиб қолган. Тез фурсатларда тўйини қилсак ажаб эмас...

Инсон ўзлигини топиши, ички овозини эшитиши учун унга имкон бериш керак. Баъзида бироз қўллаб-қувватлаш, йўл кўрсатиб юборишнинг ўзи кифоя. Қолгани ҳаракат ва интилишга боғлиқ.

Шу маънода аҳолини камбағалликдан чиқариш борасидаги ишлар кўламини кундан-кунга кенгайтириб боряпмиз. Хусусан, болалар нафақаси тайинлаш масаласида мурожаат қилган 3 та оила учун кейс очилди. Уларни ҳоким ёрдамчиси ва тегишли ташкилотларга йўналтириб, кам таъминланганлар тоифасидан чиқаришни ният қилганмиз. Шунингдек, иккита маҳалла ҳудудида мазкур нафақа билан таъминлаб келинаётган 128 та оиладан 25 тасининг имкониятлари ҳисобга олиниб, камбағаллигини бартараф этиш учун ишлар бошлаб юборилган. Бир оилага субсидия асосида тикув машинаси ва бошқа ускуналар олиб берилса, бошқасини доимий иш билан банд қилса бўлади. Хуллас, озгина туртки билан ўзини ўнглаб олишига ишончимиз комил.

Ижтимоий ҳимоя соҳасининг асосий йўналиши саналган ногиронлиги бўлган фуқароларга муносиб турмуш шароитини яратиб бериш бўйича мунтазам равишда ишлар олиб борилмоқда. Ҳудудимизда истиқомат қиладиган 312 нафар имконияти чекланган



Инсон ўзлигини топиши, ички овозини эшитиши учун унга имкон бериш керак. Баъзида бироз қўллаб-қувватлаш, йўл кўрсатиб юбориш кифоя.

шахслар эҳтиёжидан келиб чиқиб, протез-ортепедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлаб келинмоқда.

Шу кунга қадар очилган 39 та кейснинг 2 тасини муваффақиятли ёпган бўлсак, қолганлари ҳали жараёнда. “Саховат ва кўмак” жамғармасидан моддий ёрдам ажратиш, эҳтиёжманд беморларни бепул дори-дармон воситалари билан таъминлаш, ҳаётга ишончини йўқотган инсонларда умид уйғотиш каби масалалар кунлик режамиздан, албатта, ўрин олади.

...Олти нафар фарзанди бўлган аёлнинг турмуш ўртоғи гиёҳвандликка ва ичкиликка ружу қўйган. Оиланинг моддий таъминоти ўз-ўзидан онанинг зиммасига тушади. У билан суҳбатлашганимизда, доимий иш ўрни топишда ёрдам берсак, барча қийинчиликларни енгиб ўтишини айтди. Ҳозир компьютер саводхонлиги бўйича таҳсил оляпти. Бир нечта корхоналар билан гаплашиб, иш юритувчи ходим сифатида қабул қилиши бўйича келишиб қўйдик. Бу ҳали ҳаммаси эмас, уни ўз касбининг устаси бўлган бир устозга шогирд қилиб бириктирдик. Ҳар ҳолда малака ва тажрибаси ортса, кўпроқ натижаларга эришади.

“Фароғатли” маҳалласида яшайдиган яна бир аёл шу кунга қадар анча қийинчилик кўрган. Уни тазйиқ ва зўравонликка учраган шахс сифатида рўйхатга олганмиз. Эридан оғир хасталикни юқтириб олгани етмаганидек, доимий равишда калтаклаб келинган. Бу жанжал ва тўпалонлар натижасида 2 нафар фарзанднинг биттасида нутқий нуқсон пайдо бўлган. Турмуш ўртоғи фарзандларидан воз кечгач, ота уйига қайтиб келади. Анча вақтгача ҳеч кимга кўриниш бермайди. Биров билан гаплашгиси келмайди. Хонадонларни хатлов қилганда ҳолат бўйича хабар топиб, у билан узоқ суҳбатлашдик. Аёлга сира ортга чекинмаслиги кераклигини тушунтирдим. Аввалги иш жойи билан гаплашиб, бандлигини таъминладик. Ҳозир ҳаёти анча яхши. Янги режалар тузяпти. Кредит олиб, хусусий тадбиркорлигини йўлга қўймоқчи. Энг муҳими, қалбида ишонч ва иштиёқ уйғонган.

Бир ҳолат мени жуда кўп ўйлантиради. Ҳудудда васийлик тайинланган 12 нафар боланинг кўпчилигида онаси вафот этган, отаси боласидан воз кечган. Ҳайрон қоламан, қандай қилиб ўз зурриёдидан юз ўгириб кетиш мумкин? Уларнинг тақдири ва келажагини кимга ишоняпти? Шу саволлар билан оталарга мурожаат қилганимда, бепарвогина “керак эмас”, дегани шунчалар ғазабимни келтирдики... Баҳонаси – иккинчи оиласи бунга рухсат бермас экан. Келажагимиз эгаси бўлган гўдакларга бундай бешавқатлик қилиш бир кун оғир оқибатларга олиб келиши аниқ.

Ижтимоий ҳимоя тизими бўйича айрим таклифларим бор эди. Биринчи навбатда, болалар нафақасидан воз кечишимиз керак. Кўпчилик шу ёрдамни оламан деб сунъий равишда ўзини банд қилиб кўрсатмоқда. Айримлар шу пулга кўз тикиб, ишламайди. Халқни меҳнат қилишга ундаш керак. Ҳамма баробар ҳаракат қилса, жамиятда ривожланиш бўлади.

НУҚТАИ НАЗАР

Аёл меҳрга муносиб, тазйиққа эмас!

Жамиятимиздаги оғриқли масалаларнинг энг долзарби — хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг содир этилаётганидир. Агар оилада бир аёл яқинлари, айниқса, турмуш ўртоғи томонидан жабрланса, зўравонликка учраса, албатта, унинг фарзандлари ҳам азият чекади. Руҳан синиб, тушкунликка тушади. Қарабсизки, эртанги жамият учун соғлом эмас, балки ҳар жиҳатдан “жароҳат олган” фуқаролар етишиб чиқади.

Иш жараёнида бу муаммонинг келиб чиқиш сабаблари бўйича жуда кўп тадқиқотлар ўтказиб келинмоқда. “Оилада нима учун зўравонлик содир бўлади?”, деган саволга иштирокчиларнинг 34 фоизи ижтимоий беқарорлик, моддий жиҳатдан таъминланмаганлик ва оила аъзолари ўртасидаги муносабатлар бузилганини сабаб қилиб кўрсатишган. Фақатгина битта таҳлилга асосланиб, аниқ хулосага келиш қийин, албатта. Амалиётда ҳар бир тазйиққа учраган аёлнинг ҳолати турлича эканига гувоҳ бўляпмиз.

Дунё миқёсини оладиган бўлсак, ер юзидаги аёлларнинг 30-50 фоизи зўравонликка учраб, оқибатда айримлари ҳаётдан кўз юмаётгани жуда ачинарли. Кўпчилик ўзини паст баҳолайдиган аёл зўравонликка учрайди, деб ўйлайди. Лекин олий маълумотли, жамиятда муносиб мавқега эга бўлган опа-сингилларимиз орасида ҳам жабрланаётганлар учраб турибди.

Агар оилада доимий равишда аёлга нисбатан тазйиқ, руҳий босим ва камситишлар билан муносабатда бўлинса, борган сари унинг қадри тушиб боради. Қадр топмаган аёл эртага ўзига ўша тажовузкор эр ёки қайнонанинг кўзи билан қарай бошлайди. Ўзига нисбатан бечора экани ҳақида кўникма ҳосил бўлади. Ҳолбуки, бундай эмас. Ҳар бир аёлга муносиб тарзда ҳурмат ва меҳр кўрсатиш жамият тараққиёти учун жуда муҳим. Бугунги кунда бу тизим тўғри йўлга қўйилган.



Афсуски, оиладаги зўравонлик ёпиқ эшиклар ортида, бегона кўзлардан панада содир бўлади. Бу ҳақида эҳтимол қўшниси ёки қариндошлари ҳам билмаслиги мумкин. Давлат шундай фуқароларнинг ҳуқуқларини қонуний ҳимоя қилишга ёрдам бермоқда. Бунинг учун биринчи навбатда аёлда хоҳиш бўлиши керак. Агар у кўмак олишга тайёр бўлса, атрофидагилар ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлайди.

Баъзан аёл бошқаларга зўравонлик ҳақида хабар берганда, унга нисбатан “Ҳаммасига ўзинг айбдорсан”, “Эрингни кўнглини ололмагансан”, “Қайнонани хизматини кўнгилдагидек қилмагансан”, деган айбловлар қўйилади. Афсуски, бу ҳақиқат. Бундай баҳо жабрланган аёлнинг янада ўз қобиғига ўралиб олишига сабаб бўлади.

Муаммога ечим топиш учун болаларни боғча ва мактаб ёшидан гендер зўравонликка нисбатан муросасизлик ҳиссида тарбиялаб боришимиз керак. Шундагина фарзандларимиз бугун йўл қўйилаётган камчиликларни содир этмайди, ҳаётга бошқача назар билан қарашни ўрганади.

Бугунги кунда тазйиққа учраган аёлларга ёрдам бериш мақсадида ҳар бир маҳаллага ва оилага етиб борувчи ягона — ижтимоий ҳимоя тизими яратилди. Бу орқали биз ҳар битта хонадонга кириб боришга ҳаракат қиляпмиз. Зўравонлик содир этилаётгани борасида фақат давлат ва тегишли ташкилот эмас, жамиятнинг ҳар аъзоси ўз муносабатига эга бўлиши керак. Зарур бўлса ҳар куни, ҳар соатда мавзу бўйича бош қотириш, жабрланган аёлларга кўмак бериш вақти келди.



Муқаддам РАСУЛОВА, Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази директори.



Ўсмирлар ўртасида теннис бўйича J100 таснифига кирувчи халқаро турнирда САБРИНА ОМОНОВА финал босқичига йўл олди.



Озарбайжоннинг Шуша шаҳрида шахмат бўйича ўтказилаётган халқаро турнирни НОДИРБЕК АБДУСАТТОРОВ ғалаба билан бошлади.



Тошкентнинг “ҲУМО“ хоккей клуби Остонанинг “Номад” жамоаси устидан 2:1 ҳисобида зафар қучди.

КЎЗГУ

Ҳеч бир тўй маҳалла иштирокисиз ўтмайди

Икки йиллик фаолиятим давомида маҳаллада бирор марта оилавий ажралиш ҳолати қайд этилмади. Оилалар жуда аҳил, аксарияти иш билан бандлиги сабаб уруш-жанжаллар деярли кузатилмайди. Ҳар бир оила аъзоси қимматли вақтини фарзанд тарбияси ва бирор фойдали юмушга сарфлашни афзал билади.



Бандлик масаласи ҳақида сўз кетганда, фаолиятимда кўпинча “Уйчи тажрибаси”ни қўллайман. Ушбу тажриба бўйича барча эҳтиёжманд аёллар бандлигини таъминлаш, уларнинг оиласига даромад киритишга кўмаклашиш мақсадида улар билан индивидуал суҳбатлашдим.

Йиғинда 2 040 нафар аёл яшайди. Уларнинг асосий қисми маҳалла “драйвери” — касаначилик билан шуғулланади. Асосан, трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаради. Бу орқали аёллар бир кунда 100 минг сўмгача пул ишлаб топади. Бу жараёнда аёлларни керакли асбоб-ускуналар билан таъминлашга эътибор қаратганмиз. Жумладан, Эшимбек қишлоғида яшовчи Холидахон Қодировага 10 миллион сўм имтиёзли кредит эвазига тикув машинаси олиб бердик. У ҳунарни пухта эгаллаш мақсадида ўқиб, малака оширди. Ҳозирда бир ойда 5 миллион сўмгача даромад қилади. Қундузхон Тошматова эса бир вақтнинг ўзида икки жойда ишлайди. Ҳам уйида аёллар учун бежирим кийимлар тикади, ҳам маҳаллада ташкил этилган трикотаж корхонасида ишлаб, оила бюджетига фойда келтиради.

Бандлик масаласи ҳақида сўз кетганда, фаолиятимда кўпинча “Уйчи тажрибаси”ни қўллайман. Ушбу тажриба бўйича барча эҳтиёжманд аёллар бандлигини таъминлаш, уларнинг оиласига даромад киритишга кўмаклашиш мақсадида улар билан индивидуал суҳбатлашдим. Томорқадан самарали фойдаланган ҳолда, деҳқончиликни йўлга қўйиш ёки тадбиркорликнинг бошқа турлари билан шуғулланиши учун барча имкониятларни тушунтириб ўтаман.

Беш қўл баробар бўлмаганидек, баъзан аёллар билан боғлиқ муаммолар учраб туради. Шундай аёллардан бири маҳалла идорасига турли муаммолар юзасидан шикоят қилиб келарди. Турмуш ўртоғи 2-гуруҳ ногирони бўлгани боис моддий аҳволи қониқарли эмаслигини айтиб, уйининг таъмири бўйича ёрдам сўрарди. Ҳоким ёрдамчиси кўмагида уйи янги таъмирдан чиқарилди. Энди бу муаммони ҳал этганимизда, турмуш ўртоғи ногиронлик ҳассаси билан ички ишлар ходимига қўл кўтарган. Натижада тўрт йил муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Аёл айни масалада биздан кўмак сўраганди, “маҳалла еттилиги” билан бирга далолатнома тузиб, айбдор шахснинг ногиронлиги борлиги, эҳтиёжманд оилага мансублигини кўрсатиб ўтдик. Натижасини кутяпмиз. Оилага “Саховат ва кўмак” жамғармаси ҳисобидан бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди, болалар нафақаси тайинланди. Ҳозир аёл яхши томонга ўзгарган, атрофдагилар билан яхши алоқа ўрнатган.

Йиғинда ҳеч бир тўй маҳалла иштирокисиз ўтмайди. Маросимлар анча тартибга келтирилган, дабдабанинг олди олиняпти. Бу борада маҳалла дастурхончиси — аёл бошисининг ўрни катта. У тўйнинг бошидан-охиригача бош бўлиб, ортиқча сарф-харажат қилинмаслигини назорат қилади. Унинг ёрдами билан тўйларимиз тинч-осуда, камхарж ўтяпти. Бундан 5-6 йил бурун келин томон мебель қилиб, сеп йиғарди. Ҳозир, асосан, куёвнинг ота-онаси ҳамма харажатларни қоплайди. Бу келинннинг ота-онасига анча енгиллик келтирди.

Умуман олганда, маҳалламизда аёллар билан ишлаш борасида менга кўмакчилар кўп — нуронийлар, отинойилар, “Оқила аёллар ҳаракати” аъзолари, тадбиркор аёллар доимо ёрдамга шай. Шунинг учун оилавий ажралишлар, жиноятчилик, ишсизлик ҳолатлари учрамаяпти. Ҳар бир аёл билан алоҳида ишлаш натижасида уларнинг муаммоларини жойида ҳал этиш имконияти ошяпти, оила фаровонлиги таъминланяпти.

Оишахон ЙЎЛЧИЕВА,
Учқўприк туманидаги “Бегмурод” маҳалласи хотин-қизлар фаоли.

САЛОМАТЛИК

КАМҚОНЛИК ҚАНДАЙ КАСАЛЛИКЛАРГА ЙЎЛ ОЧАДИ?



Анемия — жаҳон бўйлаб кенг тарқалган касалликлардан бири. Халқ орасида бу патология камқонлик деб аталади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳисоботига кўра, дунёда аёлларнинг тахминан 30 фоизи, ҳомиладорларнинг 37 фоизи ва олти ойликдан беш ёшгача бўлган болаларнинг 40 фоизи шу дарддан азият чекмоқда.

Қон таркибида темир моддасини ўз ичига олган ва унга қизил тус берувчи мураккаб оқсил – гемоглобин бутун тана бўйлаб кислород ташиш вазифасини бажаради. Агар гемоглобин етишмовчилиги кузатилса, организмда кислород танқислиги юзага келади. Оқибатда бу ҳолат турли касалликларнинг ривожланишига йўл очади.

Беморларда камҳаракатлик, чарчоқ, уйқучанлик, иштаҳа пасайиши ва вазн етишмаслиги кузатилади. Тери оқариб, тирноқлар ва сочлар мўртлашади. Тил яллиғланиб, оғиз атрофида юзаки яралар пайдо бўлади.

Асаб тизими фаолияти бузилади, тез-тез бош айланиши, оғриши, қулоқларда шовқин эшитилади. Анемия кучайгани сайин қўллар ва оёқлар доимий музлайди. Хасталикнинг оғир ҳолатларида ҳушдан кетиш, тахикардия, нафас қисиши қайд этилиши мумкин. Камқонликка чалинган гўдаклар ривожланишда анча ортда қолади, юқумли касалликларга тез чалинади.

Ушбу патологиянинг энг кўп тарқалган сабабларидан бири — организмда темир моддаси етишмовчилигидир. Бу — кундалик истеъмол маҳсулотларида керакли витамин ва озуқаларнинг етишмаслиги, экологиянинг ёмонлашуви каби омиллар билан боғлиқ. Шунингдек, чақалоқларда кузатиладиган анемия ҳомиладорлик давридаги муаммолар — қон кетиш, ҳомиланинг тушиш хавфи, онадаги юқумли касалликлар туфайли юзага келади. Эрта туғилган болаларда ҳам бу хасталик кўп учрайди.

Касалликни эрта босқичда аниқлаш муҳим. Ташхис қўйишда, аввало, педиатр-шифокор кўригидан ўтиш лозим. Қолаверса, гастроэнтеролог, нефролог, аллерголог, гематолог ва бошқа тор доирадаги мутахассислар текшируви ҳам талаб этилиши мумкин.

Анемиянинг енгил шакли темир моддасига бой таом ва маҳсулотлар ҳамда ушбу микроэлементни ўз ичига олган озиқ-овқат қўшимчаларига асосланган махсус парҳез билан даволанади.

Камқонликнинг оғир шаклларида шифокор томонидан зарур дори-дармонлар тайинланади. Ўз навбатида, тиббий кўрсатмага мувофиқ, организмга қон ёки унинг элементларини қуйиш талаб қилиниши мумкин. Ҳар икки ҳолатда беморларга соғлом овқатланиш, кўпроқ тоза ҳавода сайр қилиш, жисмоний фаол ҳаёт тарзи, уйқу тартибига қатъий амал қилиш тавсия этилади.

Шерзод НУРИНБЕТОВ,
Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси илмий-амалий тиббиёт маркази шифокори.

ТАЖРИБА

“Пакет” лойиҳаси оилаларга нима беради?

Бу йил маҳалламизда ажралишлар кўп бўлди. Ёшлар бир-бирини тушунмай, арзимаган икир-чикирларни деб низолашади. Бунинг ечими сифатида ажралишни маъқул кўраётгани ачинарли ҳолга айланди. Аммо маҳалла нуронийлари билан бирга оилаларни сақлаб қолиш учун керакли чораларни кўряпмиз.

Мафтуна ҚУРБОНОВА,
Сирдарё туманидаги “Баҳор” маҳалласи хотин-қизлар фаоли.

Яқинда ана шундай муаммоли оилалардан бирида бўлдик. Аёлнинг уйига кетиб қолганига икки йил бўлган. Турмуш ўртоғи “билганингни қил” қабилида муносабат билдирган. Оила боши билан суҳбатда эр-хотин ўртасидаги ўзаро низога арзимас келишмовчиликлар, гап-сўзлар, рўзғорнинг майда-чуйда масалалар сабаб бўлганини аниқладик. Ажралишга етарлича асос йўқ, гулдай оиланинг пойдевори қулаётганидан дилим хира тортди. Аёлни тинглаганимизда, охирги пайтларда эр-хотин чиқиша олмаётгани, қайнонасининг гап-сўзларини ортиқ кўтара олмаслигини айтди. “Шу пайтгача буларни ичимга ютиб келдим, аммо бундан буён сабр қила олмайман”, — дейди аёл.

Ажралиш учун ҳатто судга ариза топширишган экан. Ўртада икки фарзанд сарсон. 10 йиллик турмушнинг мевалари ота-онасининг кўзида бир-бирига меҳр уйғонсаю, яна бирга бўлишса, деган умид учқунлари порлайди. Биз вазиятни нуронийлар билан атрофлича ўрганиб, ҳар икки томонни мулоҳазага келтиришга ҳаракат



Аёллар қанчалик тадбиркор, ишбилармон бўлса, оиласига барака киради. Фарзандларига намуна бўлади.

қилдик. Маҳалла бувижонлари бундай вазиятлар ҳар қандай оилада бўлиб туриши, оиланинг мустаҳкамлиги учун эр-хотин бир-бирига меҳр-оқибатли бўлиши, камчиликларга, қусурларга кўз юмуши кераклигини айтиб, насиҳат қилишди. Оилани сақлаб қолиш учун қилинган ҳаракатлар бесамар кетмади, эр-хотин ажралиш фикридан қайтишди. Ниҳоят, оиланинг ўзаро келишувига эришдик...

Маҳалладаги аёлларнинг бандлиги масаласига тўхталсак, аёлларнинг 60 фоизи ишлайди. Айримлари давлат муассасалари, ташкилотларида фаолият юритса, аксарияти тадбиркорликнинг турли йўналишларида ўзини кўрсата олган. Жумладан, Дилафрўз Маҳфузова бир йилдан буён қандолатчилик билан шуғулланади. Унга ҳоким ёрдамчиси кўмагида мини-печь, газ плита, музлатгич олиб бердик. Ҳозирда Дилафрўз турли хил пиширикларни уйда тайёрлаб, дўконларга тарқатади.

Эҳтиёжманд, ишсиз хотин-қизлар билан тизимли ишлаяпмиз. “Аёллар дафтари”га киритилган 3 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож аёлга субсидия ажратдик. Учаласи ҳам чеварчиликда ўз маҳоратини намоён этган. Мисол учун, Сайёра Ёқубовага субсидия асосида тикув машиналари олиб берилди. Уйида тикув цехини очди. Келини билан биргаликда чойшаб, ёстиқ жилд каби ётоқ тўпламларини ишлаб чиқаряпти. Нилуфар Каримовага ҳам субсидия асосида тикув машиналари етказиб берилди. У болалар кийимларини тикади. Нафиса Раҳимжоновага берилган тикув машиналари ёрдами билан у тиккан дастурхон, дастрўмол ва бошқа маҳсулотлар бошқа маҳалла хонадонларигача етиб борган.

Бундан ташқари, “Аёллар дафтари”да турган икки аёлни “Ҳунарманд” уюшмасига аъзо қилдик, 4 нафарини касб-ҳунарга ўқитдик. Иш излаб бизга мурожаат қилган 5 нафар аёлни пойабзал фабрикасига ишга жойладик. Жумладан, Адолат Алиқулова ушбу фабрикада 6 ойдан буён ишлаб келмоқда. Шунингдек, бир гуруҳ аёлларнинг ногирон фарзандларига бир марталик моддий ёрдам берилди ва мактаб кийимлари совға қилинди.

Аёллар қанчалик тадбиркор, ишбилармон бўлса, оиласига барака киради. Фарзандларига намуна бўлади. Уйда ўтириб ҳам тадбиркорликнинг турли йўналишларида даромад топиш мумкин. Бу борада таклифим шуки, тадбиркорликни кенгайтириш учун “Пакет” йўналишини маҳаллаларга татбиқ қилиш лозим. Мисол учун, битта хонадонда иссиқхона қурилади. Иссиқхонадан даромад олгунча, паррандачиликни кўпайтириб, товуқ боқилса, иссиқхонадан даромад келгунча, бу йўналишда фойда кўрилади. Иссиқхона тайёр бўлгач, ундан келган фойда паррандачилик билан қўшилади. Ҳозир битта хонадон икки-уч хил даромадни оиласига киритса бўлади. “Пакет” йўналишини маҳаллаларга олиб киришни таклиф қиламан.

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир: Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Дизайнер: Абдулазиз АҲМЕДОВ
Шерзод МАМАНОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Таҳририят манзили: 100192, Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани «Лашкарбеги» МФЙ, Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар: 71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри Миробод тумани, Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т.
9 120 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-920

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.